

ISSN: 2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

# JOURNAL

OF INTEGRATED EDUCATION  
AND RESEARCH

---

INTEGRATSIYALASHGAN

TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI

ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ

**THE JOURNAL OF  
INTEGRATED  
EDUCATION AND  
RESEARCH**

**ISSN 2181-3558**

**VOLUME 2, ISSUE 8**

**COLLECTION B**

**AUGUST 2023**



*Tahririyat a'zolari*  
*Editorial board*

*Berdialiev A. f.f.d., prof.*  
*Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.*  
*Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.*  
*Babadjanova D. tarix.f.d., prof.*  
*Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.*  
*Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.*  
*Madumarov T.T. yur.f.d., prof.*  
*Mirzayeva S.R. fil.f.d., prof.*  
*Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.*  
*Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.*  
*Mahmudov N.M. fil.f.d., prof.*  
*Salayeva M.S. ped.f.d., prof.*  
*Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent*  
*Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent*  
*Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent*  
*Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent*  
*Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent*  
*Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d., dotsent*

*Achilov N.K. fil.f.d., dotsent*  
*Imomova G.M. fil.f.n., dotsent*  
*Zakirova H.R. f.f.n., dotsent*  
*Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent, TFA Akademik*  
*Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent*  
*Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent*  
*Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent*  
*Djuraeva M.Y. f.f.f.d.*  
*Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent*  
*Otadjanova M.O. f.f.d.*  
*Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent*  
*Hasanov A.M. fil.f.f.d.*  
*Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent*  
*Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent*  
*Safarova U.A. fil.f.d., dotsent*  
*Dexqonova M.Sh. f.f.d.*  
*Hasanov A.M. fil.f.d.*

*Mas'ul kotib: M.Yusupov*

---

## THE IMPORTANCE OF MNEMONICS IN EASY VOCABULARY MEMORIZATION

*Abdumalikova Saidabonu*  
*Angren university, 1st stage student*

*Zokirova Khulkar Izzatillayevna*  
*Supervisor, English teacher at the department*  
*of Social Humanitarian at Angren university*  
[saidabonuabdumalikova@gmail.com](mailto:saidabonuabdumalikova@gmail.com)

**Abstract.** Nowadays, the importance of vocabulary memorization in learning foreign languages is considered one of the most urgent issues. Almost every day, new ways to easily remember vocabulary are created, and everyone tries different methods. However, not every study gives the expected result. It's safe to state that the traditional approaches of memorization and repetition of language are no longer effective. In contrast to these strategies, vocabulary memorization by imagination is a need and a successful remedy in the present. Albert Einstein believed that imagination is more significant and useful than knowledge. Information learned through imagination is maintained in our brains for a longer amount of time and is processed in a long-term memory. The beneficial effects of various mnemonic techniques, which are intrinsically tied to creativity in the process of memorization of language, are discussed in this article.

**Аннотация.** В настоящее время важность запоминания лексики при изучении иностранных языков считается одним из самых актуальных вопросов. Практически каждый день создаются новые способы легкого запоминания словарного запаса, и каждый пробует разные способы. Однако не каждое исследование дает ожидаемый результат. Можно с уверенностью констатировать, что традиционные подходы к запоминанию и повторению языка уже не эффективны. В отличие от этих стратегий, запоминание лексики с помощью воображения является необходимостью и успешным средством в настоящем. Альберт Эйнштейн считал, что воображение важнее и полезнее, чем знания. Информация, полученная с помощью воображения, сохраняется в нашем мозгу в течение более длительного времени и обрабатывается в долговременной памяти. В статье рассматриваются благотворные эффекты различных мнемонических приемов, неразрывно связанных с творчеством в процессе запоминания языка.

**Annotatsiya.** Hozirgi kunda chet tillarini o'rganishda so'z boyligini oshirishning ahamiyati dolzarb masalalardan biri sifatida qaralmoqda. Deyarli har kuni so'z boyligini osongina eslab qolishning yangi usullari yaratiladi va har bir kishi turli usullarni sinab ko'radi. Biroq, har bir tadqiqot kutilgan natijani bermaydi. So'zni yodlash va takrorlashning an'anaviy usullari endi samarali emasligini aytish mumkin. Ushbu strategiyalardan farqli o'laroq, lug'atni tasavvur

orqali yodlash bugungi kunda zarurat va muvaffaqiyatli vositadir. Albert Eynshteyn tasavvur qilish bilimdan ko'ra muhimroq va foydalibroq deb hisoblagan. Tasavvur orqali o'rganilgan ma'lumotlar bizning miyamizda uzoq vaqt saqlanadi va uzoq muddatli xotirada qayta ishlanadi. Ushbu maqolada so'z boyligini oshirish jarayonida tasavvur bilan uzviy bog'liq bo'lgan turli xil mnemonik usullarning foydali ta'siri muhokama qilinadi.

**Key words:** Mnemonics, a long-term memory, the linking method, visualization, focusing necessary words.


**Ключевые слова:** мнемотехника, долговременная память, метод связывания, визуализация, выделение нужных слов.

**Kalit so'zlar:** mnemonika, uzoq muddatli xotira, bog'lash metodi, vizualizatsiya, muhim so'zlarga e'tibor berish.

Developing new vocabulary is a crucial part of learning a language. However, the enormous number of words that must be memorized might be stressful for students, making the need for good mnemonic strategies imperative. By providing insights into their cognitive mechanics and consequences for educational practice, this article intends to shed light on the significance of mnemonic techniques in vocabulary memorization. In mnemonics, there are many methods aimed at making vocabulary easier to remember. For example, the Linking method is one of the most convenient ways to effectively remember words through imagination. Making a connection between the term you want to remember, and a visual image is one of the common methods for memorizing vocabulary. Whether you are learning a term in your native language or a foreign one, the fundamental method is the same. The basic steps for learning vocabulary words are as follows:

1. Create a visual representation of the word's sound (a mnemonic image).
2. Visualize a picture that represents the word's meaning.
3. Create a compound image that connects the two mnemonic images by linking them.

linking them.



#### Vocabulary Linking Method Example

For example, if you want to remember the Spanish vocabulary word *saltar*, which means *to jump*, you could picture someone *jumping* over a *saltshaker*.

*Saltar* is the vocabulary word, and *to jump* is the meaning.


Let's go through the steps:

1. Think of a picture to represent the sound of the word. **The word is *saltar* which sounds like "salt", so the mnemonic image for the word could be a saltshaker.**

2. Think of a picture that represents the meaning of the word. **The meaning is to jump so the mnemonic image could be “a person jumping”.**

3. Then link the two mnemonic images into a compound image that links the mnemonics together. **The compound image here is “a person jumping over a saltshaker”.**

The image of the saltshaker jumping encodes both the word and its meaning.



When you hear the word “saltar”, the “salt” part of the word will remind you that someone was jumping over salt — so the word *saltar* means “jump”.

In addition, focusing only on the necessary and important words is also one of the main factors of effectiveness. You can choose words (or word groups) at random to use when expanding your vocabulary. Going this way, however, doesn't help you study more effectively because it is similar to rote memorization. To fully understand each of the elements, you would probably need to review them several times. Concentrate your study on essential words and phrases if you wish to recall new vocabulary more quickly. Most instructors advise focusing your initial memorization sessions only on the 100 most frequently used terms in the target language. Finding those 100 words is the difficult part, as information in some languages is readily available but not in others.

To increase the effectiveness of mnemonics even more, combine vocabulary words together when you learn them. Use it for two or more related word pairs in a scene rather than simply one. However, try combining words with scenes first; while it may be effective for some, it may confuse others.

You may still want to organize the order in which you learn words even if you prefer one word pair to one mnemonic. In other words, study a bunch of related words at the same time (for instance, various locations and food names). Most likely, the connections between the words will serve to add to the context, making them simpler to remember later.

In conclusion, the importance of mnemonic methods for vocabulary memorization cannot be overstated. As our understanding of memory processes expands, educators and learners must harness the power of mnemonic techniques to improve language acquisition outcomes. By adopting and refining these methods, learners can unlock their full potential in mastering new vocabulary, thus facilitating effective communication and academic success.

### References

1. Elihu, (2014) "Using mnemonics for learning and memorizing vocabulary", <https://www.bebilingual.com/using-mnemonics-learning-memorizing-vocabulary/>
2. "How to memorize vocabulary words fast", <https://artofmemory.com/blog/memorize-vocabulary-words/> (2023)
3. Kurniarahman, I. (2019). "The effect of mnemonic LOCI technique on students' vocabulary memorization".

## XOTIRA – U QAY DARAJADA MUHIM?

*Jalolov Shaxzod Shokirovich*  
*SamDAQU talabasi*

**Annotatsiya.** Ijtimoiy hayotda xotiraning o'rni va ta'lim jarayonida o'ziga xos xususiyatlari, xotira bilan bog'liq kasalliklar va ularning oldini olish yo'l-yo'riqlari haqida umumiy ma'lumotlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** Xotira, minemonika, lokatsiyalar, asosiy sistemalar, TOG usuli, xotira turnerlari, alsgeymer.

Yangi O'zbekistonimizda ilmi, salohiyatli yoshlarni tarbiyalashga e'tibor kuchayib borayotgan bir davrda yashayapmiz. Hozirgi kunda yoshlarimizning bilim olishi, til o'rganishi uchun ko'plab markazlar o'z ishini olib bormoqda. Kuchli bilim egasi, tillarni o'rganishni xotirasiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Bizning maktab va oliygohlarda berilgan vazifa va topshriqlarni, odatda, yodlab kelishimiz kerakligini aytishadi, lekin buni qanday qilishni esa hech kim o'rgatmagan. Bugun biz siz bilan aynan shu muammoni ya'ni ma'lumotlarni qanday qilib bir necha karra tezroq xotiramizda muxrlash mumkinligini o'rganamiz va eslab qolish ko'nikmalariga ega bo'lamiz.

Buning uchun keling, avvalo, xotira nima? u qanday ishlaydi? kabi savollarga javob topsak.

**Xotira** – idrok etilgan narsa va hodisalarni yoki o'tmish tajribalarni esda qoldirish va zarur bo'lganda tiklashdan iborat psixik jarayon. Xotira eng yaxshi damlarni esda qoldiradi. U [nerv sistemasi](#) xususiyatlaridan biri bo'lib, tashqi olam voqealari va organizm reaksiyalari haqidagi axborotni uzoq saqlash hamda uni ong faoliyatida va xulq, xatti-harakat doirasida takroriy qobiliyatda namoyon bo'ladi<sup>1</sup>.

Xotiraning asosiy 2 ta funksiyasi mavjud:

- Ma'lumotlarni saqlash
- Ma'lumotlarni kerakli paytda eslash

Xotira quyidagi 2 turga bo'linadi:

XOTIRA { Long torn (qisqa muddatli)  
Short torn (uzoq muddatli)

**Qisqa muddatli xotirada** biz, asosan, yangi yodlagan so'zlarimiz, o'qigan biror kitobimiz, telefon raqamlar va hokazolar bo'lishi mumkin.

Qisqa muddatli xotira asosiy faol xotira deb ham ataladi, bu biz bilgan, yoki biz o'ylayotgan ma'lumotlar. Qisqa muddatli xotiraning ma'lumotlarni saqlash davomiyligi qisqa, u taxminan 20-30 daqiqa davomida saqlaydi, ammo ma'lumotlar faol ravishda takrorlanmasa u bir necha soniyalarda o'chib ketishi mumkin.

Masalan, telefon raqamini eslab qolishni xohlayotganingizni tasavvur qiling va uni bergan odam uni aytadi siz esa uni tezda yozib olasiz. **Bir lahzadan so'ng siz raqamni allaqachon unutganingizni tushunasiz.** Raqamni takrorlamasdan yoki takrorlamasdan, xotira hosil bo'lguncha, ma'lumot qisqa muddatli xotiradan tezda yo'qoladi.

Qisqa muddatli xotiraga kirgan har qanday yangi ma'lumot avvalgi ma'lumotlar bilan tezda almashadi. Qisqa muddatli xotiraning davomiyligini bir muncha uzaytirish usullarini ko'rib chiqishimiz mumkin. Masalan: bo'lib-bo'lib yodlash, ma'lumotlarga hisobot qo'shib saqlash, qayta takrorlash va baland ovozda o'qish kabi usullardan foydalanishimiz mumkin. Keling, bu usullardan qanday foydalanishni ko'rib chiqamiz.

Bo'lib –bo'lib yodlash bu parchalash usuli ham deyiladi. Hech o'ylab ko'rganmisiz biz telefon va karta raqamlarini birdaniga emas bo'lib-bo'lib ifodalaymiz? Masalan: +998901234567 yoki 2344456675876390 kabi ko'rinishda emas, balki +998-90-123-45-67, va 2344 4566 7587 6390 shakilda yoziladi va yodlaymiz?

Bunga sabab inson miyasi o'rtacha 3 tadan 7 tagacha ma'lumotni normal shaklda saqlab qola oladi. Bu usul bilan biz she'r yodlashda uni 4 bandga bo'lib-bo'lib yodlashimiz mumkin.

Ma'lumotlarga hissiyot qo'shib saqlash bu “emotsional xotira” – deb ham ataladi. Shu sababli ham ilk muhabbat, maktab yoki oliygohning ilk kuni, chaqalog'ingizni ilk bor bag'ringizga bosganingiz, to'y marrosimingiz, biror narsadan qattiq qo'rqqaningiz yoki yaqiningizni yo'qotganingiz kabi xotiralar, umuman unutilmaydi. Axborotga ozroq biror-bir hissiyot qo'shish orqali uni uzoqroq muddatga xotirada saqlash mumkin. Agar olgan bilimlaringizni mustahkam xotirangizda saqlanishini istasangiz ularni tez-tez takrorlab turing, zero ulamolar aytganidek: “Takrorlanmagan ilm olinmagan ilmga tengdur”. Yana o'rganganlaringizni tezroq amaliyotda qo'llang, aynan amalyotda qo'llash orqali ma'lumotlar ko'nikma sifatida yaxshi yodga qoladi.

**Uzoq muddatli xotira** – bu cheksiz ko'ringan imkoniyatlarga ega bo'lib, u asosiy va muhim xotiralar va bilimlarni o'z ichiga oladi. Ma'lumotlarni umrbod saqlaydi. Bunday xotiralarga bizning kimligimiz, qayerda yashashimiz, qaysi tilda gaplashishimiz, o'zligimiz, yaqinlarimizning yuzi, ismi, shaxsiy va kasbiy ko'nikmalarimiz misol bo'la oladi.

Qisqa muddatli xotiralardagi ma'lumotlar “konsolidatsiya” jarayoni orqali uzoq muddatli xotiraga aylantirilishi mumkin. Bunga “emotsional xotiralar”, takrorlash va ko'proq amaliyotlar orqali erishish mumkin.

Bir qarashda yuqorida aytib o'tilgan ma'lumotlarni amalda qo'llash juda qiyindek tuyuladi, lekin bu muammoni osonlashtiruvchi va ancha samarali yo'l mavjuddir! Bu minemonika deb ataladi. **Mnemonika** –bu ma'lumotlarni eslab qolish jarayonini osonlashtiruvchi va tezlashtiruvchi usullar to'plami. Mnemonikaning asosiy 4 qoidasi quyidagicha ifodalanadi:

*LIRA* – inglizcha so'zlar qisqartmasi.

*Localization* – joy, makon

*Imagination* – tasavvur

*Repetition* – takrorlash

*Association* – assotsatsiya

Mnemonikada bu 4 usul orqali har qanday ma'lumotlarni tez va samarali eslab qilish mumkindir. Odatda, xotira atletrlari ma'lumotlarni eslab qolish; ishda turli xil usullardan foydalanishadi, bu usullarning eng mashhuri Loatsiya usulidir. Bunday lokatsiyalarni siz o'zingiz yashaydigan uyingiz, mahallangiz, ko'changiz, ish va o'qish joyingiz hattoki, xonangizdan ham yig'ib chiqsangiz bo'ladi. Lokatsiyalarni istalgan joydan istalgancha yig'ib chiqsa bo'ladi va ular qancha ko'p bo'lsa shuncha yaxshi.

Biz odatda, ma'lumotlarni joylarga bog'lab eslab qolamiz, masalan, do'stingiz sizdan qarzdor, qachon qarz oldim? Yakshanba kuni palon restaranda desangiz u darhol eslaydi. Yoki uyingizda yarim tunda chiroq o'chib qolsa ham siz hojatxonangizni bemalol topib bora olasiz va bu lokatsiya metodiga misol bo'la oladi.

O'z davrida mashhur fizik Albert Enshteyn "Tasavvur bilimdan kuchli. Bilimda chegara bor, tasavvurda yo'q!"<sup>2</sup>, degan edi va bu qaysidr ma'noda to'g'ri.

Xotirani kuchaytrishda eng samarali narsa bu raqam yodlashdir. Mnimanistlar odatda raqam yodlash uchun "Sun'iy sinteziyani" qo'llashadi. Bu qanday bo'ladi masalan, biror-bir raqam va sonlarni ko'rishganda qandaydir obraz gavdalanadi. "Sun'iy Sinteziyani" qo'llash uchun biz turli sistemalardan foydalanishimiz mumkin. Bular misol uchun Majot, POA, PEO hamda Milemum kabi sistemalardir. Bu sistemalarda raqamlar turli xil obrazlarga aylantirilib yodlanadi. Bu sistemalarni bir-biridan farqi turli xil murakkablik darajalari va tuzish uchun ketadigan vaqt va kimga qanday sistema mos tushushiga qarab farq qiladi.

Masalan, *major* yoki *PEO* tizimida 1ta lokatsiyada 2 tadan 4 tagacha raqam qo'yish mumkin bo'lsa *POA* sistemasida har bir lakatsiyada 2 tadan 6 tagacha raqam qo'yish mumkin, *Milemum* tizimida esa ko'proq raqam qo'yish mumkin bo'ladi. Bulardan tashqari yana xorijiy so'zlarni eslab qolish uchun *TOG usuli* ham mavjud. Bu usul yordamida xorijiy so'z yodlab qolish qobilyatingizni bir necha 10 karra oshirishingiz mumkin bo'ladi. Bu usulda so'zlar qisqacha *TOG* ya'ni *Tarjima+Obraz+Garmonizatsiya* orqali yodlanadi. *TOG* –bu abbreviatura bo'lib, 3 ta so'zning birlashmasi va qadamlar ketmaketligini o'z ichiga oladi. Hozir ingliz tilidagi *Glass* – shisha so'zini *TOG* orqali yodlaymiz va *TOG* nima ekanligini tushunib olamiz:

**1. T – Talaffuz.** Siz xorijiy so'zning talaffuziga o'xshash, o'zingiz bilgan so'zni topishingiz kerak. Misol uchun *glass* – gilos. Siz *Glass* so'zini gilos orqali tasavvur qilasiz.

**2. O – Obraz.** Siz xorijiy so'zning tarjimasini tasavvur qilasiz. Bizning misolimizda bu shisha. Shishali stakanni tasavvur qiling

<sup>2</sup> @bukhara.paradox

3. *G – Gormonizatsiya.* Hozir hosil bo'lgan ikkita obrazni bir-biriga bog'lashingiz zarur. Buni biz oldingi darslarimizda juda ko'p qo'lladik. Shu sababli bu bizga muammo emas. Shisha idishning ichiga giloslarni to'ldirib solib qo'ying. Ikkala obrazni bir-biriga bog'laganimizdan so'ng, hosil bo'lgan obrazni tasavvur qilib turgan holda, xorijiy so'zning haqiqiy talaffuzini ovoz chiqarib aytishimiz zarur. Bunda siz o'zingizni haqiqiy inglizlardek tasavvur qilib, Glass deb aytishingiz kerak. Artikulyatsiya, ya'ni ovoz chiqarib takrorlash o'ta muhim bosqich sanaladi. Mana shu 3 ta qadamdan iborat ketma-ketlik TOG usuli hisoblanadi va bu qadamlar har bir xorijiy so'zlar uchun qo'llaniladi. Ushbu metodning foydali jihati shundaki, ona tilingiz qaysi til bo'lishidan qat'iy nazar, qaysi tilni o'rganayotgan bo'lishingizdan qat'iy nazar, bu metod har bir tilga bir xilda ishlaydi. Misol uchun, yapon tilida "Nemasu" – uxlamog degani. Siz ushbu so'zni eslab qolish uchun, "nemasu" so'zini obrazga aylantirasiz, bunga "nemis" so'zi obraz bo'la oladi. Undan so'ng, uxlamog so'zini tasavvur qilasiz, bunda kimdir krovat ustida xurrak otib uxlayotganini tasavvur qilishingiz mumkin. Undan keyin, ikkalasini bir-biriga bog'lasangiz kifoya. Ya'ni, nemis odam krovat ustida uxlab yotganini tasavvur qiling. Xorijiy so'zlarga obraz topish boshida biroz mushkul bo'lishi mumkin. Ammo bir necha hafta shug'ullanganingizdan so'ng, ushbu metod albatta oson bo'lib qoladi. Biz xorijiy so'zlarga topayotgan obrazlarimiz, bizga vaqtinchalik qarmoq vazifasini o'taydi. Ya'ni boshida biz xorijiy so'zning talaffuzini eslab qolishimiz uchun uni nimadirga o'xshatib yodlab olamiz. O'zimiz tushunmagan narsamizni qanday tasavvur qilishni bilmaymiz. Misol uchun, "Ich liebe es, Zauberwürfel zu lösen", hozir nimani tushundingiz? Menimcha hech nimani, chunki ushbu so'zlar sizga umuman notanish, miyangiz ushbu so'zlarning obrazini bilmaydi. Shu sababli siz hech narsani tushunmadingiz. Agar sizga kimdir "Men Kubik rubikni terishni yoqtiraman" desa, siz uni nima deyayotganini tushunasiz, chunki bu so'zlar bilan miyangizda bog'langan obrazlar bor. Vaholanki, "Ich liebe es, Zauberwürfel zu lösen" nemis tilida bo'lib, "Men Kubik rubikni terishni yoqtiraman" degan ma'noni anglatadi. Ikkalasining ma'nosi bir, ammo eshutilishi har xil. Miyangiz qaysi so'zlar bilan obrazlarni bog'lagan bo'lsa, siz ularni tushuna olasiz, tasavvur qila olasiz.

TOG usulida shug'ullanish mobaynida, xorijiy so'zga obraz topishda ko'pchilik qiynaladi. Buning sababi esa juda oddiy, bu ish bilan oldin shug'ullanib kelmagansiz, shu sababli boshida bu usul bilan ishlash qiyinchilik va noqulaylik tug'diradi. Ammo buni yo'qotish uchun, siz shunchaki ko'proq va muntazam mashq qilib borishingiz zarur.

Xorijiy so'zga obraz topishda quyidagi yo'llardan foydalanish mumkin:

1. Xorijiy so'zni qofiyasiga mos obraz topish, masalan, Shoes [shyuz] ga "yuz";
2. Xorijiy so'zning boshidagi bir nechta bo'g'iniga mos obraz topish, masalan, Contribution [kantribyushn] ga "Kontr" o'yini;
3. Xorijiy so'zga bir nechta bo'g'inlarga ajratib, har biriga alohida obraz topib bog'lash, buni biz terminlarni eslab qolish mavzusida gaplashib o'tamiz.

4. Xorijiy so'zning boshidagi harfining oldiga birorta harf qo'shing, yoki bosh harfini olib tashlang.

Bu usul asoschisi Richard Chetem Atkinson bo'lib, u amerikalik psixolog, Stendford universiteti professori, xotirani o'rganish bo'yicha bir qancha tadqiqotlar o'tkazgan. Shu bilan birgalikda u o'zining xorijiy so'zlarni eslab qolish uchun fonetik kodlash uslubini amalda qo'llashni boshlagan va 1970-yillarda, Stendford universiteti talabalariga xorijiy so'zlarni eslab qolish uchun ushbu metodni ishlatishni tavsiya etgan. 1975- yillarda esa, ushbu metod bo'yicha tajriba o'tkazilgan. Bunda ikkita guruh olingan. Tajriba guruhi va kuzatuv guruhi. Har ikkalaligiga ham 120 ta xorijiy so'zni eslab qolish berilgan (kuniga 40 tadan 3 kunda). So'zlarning tarjimai ishtirokchilarga quloqchinlar orqali eshittiriladi, xorijiy so'z va ularning kalit so'zlari esa ko'rsatiladi. Tajriba guruhi kalit so'zlarni ishlatgan holda 2 ta darsda, kuzatuv guruhi 3 ta darsda eslab qola olishdi. Bunda nafaqat ular tez eslab qolishdi, balki ularning eslab qolish sifati ham ancha yaxshiroq edi. Tajriba tugaganidan so'ng, berilgan so'zlarni 6 haftadan so'ng qayta tekshirishdi. Tajriba guruhida qayta eslay olish ko'rsatkichi 43% ni, kuzatuv guruhida esa 28% ni tashkil etdi. Bundan ko'rinib turibdiki, ushbu metod orqali biz xorijiy so'zlarni osonroq eslab qolishimiz mumkin bo'ladi. Biz hozirgacha o'rgangan ma'lumotlarimiz TOG metodini osonroq tushunishga yordam Mashhur Paliglot Timothiy Doner 23 ta tilni biladi va til o'rganishda u TOG usulidan foydalanishini ta'kidlagan.

Keling TOG usulida **Tail** [teil] – **dum** so'zini yodlab qolishga harakat qilamiz!



Talafuz (o'xshashi) Obraz(tarjimai) Garmonizatsiya (ikkisini bog'laymiz)

Til  dum *tilingizdan dum o'sib chiqayabdi!*

Endi obrazni bir necha marta tail-tail-tail-tail [teal] deb talafuz qilsag kifoya.

Bu usul yordamida O'zbekistonlik mnemonist, 2 karra Rossiya chempioni, Islomxo'ja Madaminov, 14 soat ichida 1100 ta so'zni eslab qolib, ularni qayta eslashga harakat qilgan va ushbu 1100 ta so'zdan 1028 ta xorijiy so'zni eslab qola olgan. (manba "TOG oquv qo'llanma- TOG usuli. Guidebook.")

Bunday ko'nikmalarni ishlatish orqali eslab qolish bo'yicha bir qancha rekordlar ham o'rnatilgan.

*Masalan, Andrea Muzii 5 daqiqada 360 ta raqam*

*Prateek Yadav 5 daqiqada 154 ta tarixiy sana*

*Anna Barviski 5 daqiqada 67 ta xorijiy so'z*

*Katie Kermode 15 daqiqada 224 ta yuz, ism*

*Tenuun Tamir 5 daqiqa 624 ta raqam (eng yangi rekord)*

Bunday rekordlar ichida bizning vatandoshimiz natijalari ham mavjud.

Bu inson Davronbek Turdiyev bo'lib, u turli xil mahsulotlarning shtrix kodlaridagi 3250 ta raqamni bexato eslab qoladi va 2018-yilda rekord natija qayd etdi.

Agar bordi-yu, siz ham professional ravishda xotira atletiga aylanaman desangiz turli xil xotira musobaqalarida o'zingizni sinab ko'rishingiz mumkin bo'ladi. Musobaqalarda turli xil kategoriyalar bilan ishtrokchilar bir-birlari bilan bellashishlari mumkin bo'ladi. Masalan: 5 daqiqalik raqamlar, karta eslab qolish, yuz ismlar, binary raqamlar, so'zlar, kabi destebleniyalar? bo'yicha bellashishadi.

Bunday musobaqalar har yili dekabr oyida o'tkaziladi, lekin turli xil online ochiq chempionatlar ham mavjud. Masalan,<sup>3</sup> Memoryleague.com sayti orqali shug'ullanib borishingiz va Rossiya ochiq chempionatida qatnashishingiz mumkin.

Bu kabi musobaqalar bugungi kunga kelib bizning yurtimizda Minemasport Federatsiyasi tomonidan ham o'tkazilib kelinmoqda.

2022-yilning dekabr oyida Samarqand viloyatida ham "Al Buxoriy" nomli eslab qolish musobaqasi bo'lib o'tdi va 100 ga yaqin ishtrokchilar qaynashishdi umumiy hisobda g'oliblar 80 million so'mlik pul mukofoti bilan taqdirlanishdi. Bugungi kunda tibbiyotda eslab qolish qobiliyatiga oid jiddiy kasalliklar ham mavjud. Bularning eng tarqalgani bu *alsgeymer* kasalligidir.

Bugungi kunda statistik manbalarga qaraganda, dunyoda har 7 soniyada kimdr alsgeymerga chalinadi. Alsgeymer – insonning aqliy qobiliyatiga ta'sir o'tqazib 1-navbatda uning xotirasini yomonlashtiradi. Alsgeymerga chalingan bemor dastavval mayda ma'lumotlarni keyinchalik muhim ma'lumotlarni, o'z uyini, hojatxonasini, hattoki oila a'zolarini ham unuta boshlaydi. Odatda, bemor miyasi bora-bora nafas olishni ham unutib, uning o'lishiga sabab bo'ladi.

Odatda, Alsgeymer 60-65 yoshdan keyin kuzatiladi, lekin ko'pchilik insonlar bu faqat keksalarda sodir bo'ladi deb o'ylashadi, aslida esa Alsgeymerning erta turi ham mavjud va u keng tarqalgan. Kasallik ilk bor 1901-yilda aniqlanganiga qaramay hozirgacha uning davosi topilmagan.

Alsgeymerga chalinmaslik uchun uni oldini olishning eng samarali usuli esa bu Minemonika ya'ni xotirani rivojlantirish deb topilgan. Odatda, xotirasini muntazam shug'ullanib boradigan insonlarda bu kasallikka chalinish ehtimoli juda past darajada ekan.

Xo'sh nima uchun biz xotiramizni rivojlantirishimiz kerak? Bu savolga javob topish uchun xotiraning bugungi kunda va ijtmoy hayotda qay darajada muhim ekanligini u bilan nimalarga qodir ekanligimizni anglab yetishimizning o'zi yetarli nazmimda. Tasavur qilib ko'ring, kuchli xotira orqali qanchalar ko'p imkoniyatlar ochiladi, biz ko'proq va tezroq yangi tilni, kasb va ko'nikmalarni o'rganishimiz, ma'lumotlar va o'qigan kitoblarimizni ko'proq eslab qolishimiz mumkin bo'ladi. Esab qolish bilan muntazam shug'ullanish nafaqat inson xotirasiga balki tafakkur qilish va fikrlash qobiliyatlariga ham ijobiy ta'sir etadi.

Kuchli xotiralar ko'payishi aqlli odamlar ko'payishiga olib keladi! "Mnemonika" mamlakat miqyosida salohiyatli odamlar ko'payishiga olib keladi.

<sup>3</sup> <https://memoryleague.com> – xotirani shug'ullantrish uchun sayt

Injenermi, biznesmenmi, shifokormi kimga xotira kerak emas? Afsuski, O'zbekiston savodsizlik yuqori. Chunki odamlar o'z ustida ishlashga qiziqmaydi. Ular kitob o'qiydigan odamni ko'rsa, hayratlanadi. Aslida har bir inson o'zining aqliy tarbiyasi bilan shug'ullanishi kerak. Xotira sog'liqqa o'xshaydi, qachon yo'qotilsa, o'shanda e'tibor berish boshlanadi. Xitoy uzoq muddatli rivojlanish maqsadlari ichiga mnemonikani kiritgan. Maktablarda fan sifatida ham o'tiladi. Bu natija ham berdi. Oxirgi jahon chempionatida ishtirok etganlarning 80 foizi xitoylik. Xitoy rivojlanishi va mnemonika rivojlanganining bir-biriga korrelyatsiyasi bor. Ya'ni bu davlat miqyosida kuchli professionallar, salohiyatli insonlar ko'payishiga sabab bo'ladi", – deydi kun uz interyusida Davron Turdiyev.

Shunday ekan azizlar biz birnarsani unutmasligimiz kerak, ya'ni xotira ustida ishlashni va u haqida qayg'urishni hamda uni parvarishlashni. Xotira bu bizning hayotimiz, xotira bu bizning o'zligimiz, xotira bu muhabbatimiz, xotira bu sevimli musiqamiz, xotira bu onamizning yuzi bularning hammasi bu bizning xotiramiz! Agarda bizning xotiramizni olib qo'yishsa biz hattoki, jinni ham bo'la olmaymiz, azizlar! Xotirani rivojlantring!

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Shohruh Mirzo Rahmonov. Mukammal xotira –Toshkent, Akademnashr, 2022.
2. Shohruh Mirzo Rahmonov. Mukammal xotira 2 –Toshkent, Akademnashr, 2022
3. Sohruh Mirzo Rahmonov. So'z yodlash sirlari. –Toshkent, Akademnashr, 2020.
4. Andrey Safronov. Super xotira.
5. Shahzoda Abduraimova, Muhammad Abdullayev, Saidmurodxon Muydinov. MNEMONIKA
6. Sunnat Musamedov. Fenominal xotra.

#### **Internet saytlari**

7. <https://memoryleague.com>
8. <https://formacionyestudios.com>
9. [kun.uz/uz/48036808](http://kun.uz/uz/48036808)

## MILLIY QADRIYATLARIMIZ VA ULARNI SAQLASHDA MAHALLA FUQAROLAR YIG'INLARINING AHAMIYATI

*Karimova Halima Qobiljon qizi*  
*Namangan Davlat Universiteti*  
*Jahon tillari fakulteti 3-kurs*

**Annotatsiya.** Xalqimizning madaniy-ma'naviy boyliklari va milliy qadriyatlarini to'la, oqilona egallash va rivojlantirish hozirgi avlodning vazifasidir. Gap o'tmish madaniy-ma'naviy boyliklariga ega bo'lishdagina emas, balki uni chuqur egallab, yangi yuksak bosqichga ko'tara bilishdadir. Mazkur maqolada milliy qadriyatlarimiz va ularni saqlashda mahalla fuqarolar yig'inlarining ahamiyati haqida so'z yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** kasb-hunar madaniyati, barkamol avlod, odob-axloq qoidalari, hozirgi va kelajak avlodlar,

Sharq xalqlarining bir necha ming yillar mobaynida yaratgan shunday bebaho odob-axloq qoidalari, jahonga ko'z-ko'z qilsa arziydigan qadriyatlari borki, ularni unutish o'tgan ajdodlar xotirasi oldidagina emas, hozirgi va kelajak avlodlar nasl-nasablarimiz oldida ham kechirib bo'lmaydigan eng katta gunohi azimdir.

Hozirgi davrda mamlakatimizda tarbiyaviy ishlarning mazmuni barkamol avlodni shakllantirishga qaratilgan. Respublikada sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash, yosh avlodni XXI asr talablariga to'liq javob beradigan har tamonlama rivojlangan shaxslar etib voyaga yetkazish uchun zarur shart-sharoitlar va imkoniyatlar yaratilgan. Bu boradagi ishlarni aniq, maqsadli amalga oshirish uchun davlat ahamiyatiga molik hujjatlar, dasturlar va rejalar ishlab chiqilgan. Birgina - Ta'lim to'g'risidagi Qonunning qabul qilinishi yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, istiqbolli vazifalarni hal etishga qodir barkamol avlodni tarbiyalashga yo'naltirilganligini keltirish kifoya.

Tarbiya - yosh avlodni har tamonlama voyaga yetkazish, unda ijtimoiy ong va xulq-atvorni tarkib toptirishga yo'naltirilgan faoliyat bo'lib, shaxsni aqliy, jismoniy, axloqiy, ma'naviy sifatlarini shakllantirishga qaratilgan bo'lib, insonning jamiyatda yashashini ta'minlash uchun zarur bo'lgan xususiyatlarini tarkib toptirishning jarayonlaridir. Tarbiya shaxsni tarkib toptirishga qaratilgan bo'lib, shaxs va jamiyatning mavjudligini ta'minlaydigan qadriyatlar asosida rivojlanadi.

O'zbek oilalarida o'tadigan bironta ham marosim, to'y-tomosh, hashar keksalarning maslahatisiz va ishtirokisiz o'tmaydi. Keksalarning turmush tajribalari, bilim - boyliklari, bosib o'tgan yo'llari, yo'l-yo'riqlari, maslahatlari, saboqlari - yoshlar uchun eng katta boylik, bitmas-tuganmas xazinalar konidir. Keksasi, qarisi bo'lgan xonadonda fayz-baraka bo'ladi, degan mazmunda aytilgan qanchadan-qancha matallar, maqollar, afsonayu rivoyatlarimiz borligini ham aytib o'tish mumkin.

O'zbek xalqining eng qadimiy davrlardan boshlab hozirga qadar davom etib kelayotgan, o'z ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan ajoyib qadriyatlaridan yana biri ota-onani yuksak darajada e'zozlash, izzat-ikromi, hurmatini joyiga

qo'yishdan iboratdir. Farzand uchun dunyoda ota-onadan ko'ra mehribon, aziz va mo'tabar zot yo'q. Ota-ona farzandning suyanchig'i, bitmas-tuganmas boyligidir. Hech ikkilanmasdan shuni aytish kerakki, ota-ona farzand uchun hech narsani ayamaydi. Ularning tabiat ato etgan buyukliklari ham ana shunda. O'zbek xalqi odob-axloq qoidasi bo'yicha, keksalarning, ota-onaning oldidan salom bermasdan o'tish gunoh hisoblangan.

Shunday ekan, ota-onani qadrlash, ularning beminnat xizmatini unutmaslik, duolarini olish - bolalarning farzandlik burchi. Bu milliy qadriyatlarimizning eng muhim talabalaridan biridir. Buyuk bobolarimiz aytganidek, ota-ona uchun xizmat qilmoq farzandlar uchun majburiyatdir: " Ota-ona ikkisiga xizmatni birdek qil, xizimating qancha ortiq bo'lsa ham kam deb bil. Otang oldida boshingni fido qilib, onang boshi uchun butun jismingni sadaqa qilsang arziydi! Ikki dunyong obod bo'lishini istasang, shu ikki odamning roziligini ol! Tunu kuningga nur berib turgan-birisini oy deb bil, ikkinchisini quyosh. Ularning so'zlaridan tashqari bir narsa yozma, ular chizgan chiziqdan tashqariga bir qadam ham bosma. Hamma xizmatni sen odob bilan bajar, "adab" so'zidagi "dol" kabi qomatingni ham qil".

keyingi paytlarda keksalarni, ota-onalarni hurmat qilish zarurligi haqidagi milliy qadriyatlarimiz biroz xira torta boshlagandek tuyuladi. Ba'zi yoshlarda kattalarni hurmat qilish, ularning gapiga quloq solish singari yuksak ma'naviy fazilatlar yo'qolib ketayotgandek. Ehtimol, boshqa millat vakillari bunga unchalik e'tibor berishmas, lekin biz o'zbeklar buni his qilmay ilojimiz yo'q. Keksalar uchun ajratilgan "Qariyalar uylari"da farzandlari tirik ota-onalar yashayotganligi achinarli holdir. Goh-gohida bo'lsa-da, o'z ota-onasiga qo'l ko'targan, undan ham og'irroq jinoyat sodir etgan farzandlar haqida matbuot sahifalarida o'qib, o'ylanib qolasan kishi. Bu - oddiy bir nuqson emas, balki inson uchun ma'naviy tubanlik, bag'ritoshlik, ko'rnamaklikdir, ajdodlarimiz o'gitlarini nazar-pisand qilmaslik, oyoq osti qilishdir. Bunday holatlarni ko'rib, milliy, axloqiy qadriyatlarimizga, o'zbek xalqining sha'niga dog' tushiradigan bunday yaramas hodisalar qaerdan kelib chiqdi, ularning asosiy sababi, ildizi nimadan iborat, degan savol har bir ma'naviyatli insonni o'ylantirishi tabiiy. SHuni aniq aytish kerakki, taraqqiyotning muayyan bosqichida, sobiq Ittifoq davrida ayrim yoshlar o'zbek xalqining milliy qadriyatlarini chuqur o'rganish, tahlil etish, mohiyatini to'la anglab yetishdan butkul mahrum bo'lib qoldilar. Ajdod-avlodlarimizning o'gitlari, pand-nasihatlari, eng ajoyib an'analarimiz, milliy qadriyatlarimiz tinmay targ'ib-tashviqot qilinishi, odamlar ongi va turmushiga singdirilishi o'rniga nuqul qoralandi, yomon otliq qilindi, bid'at, xurofot, deb baholandi. Milliy qadriyatlarimizning serma'no, serhikmat g'oyalarini o'zida jo qilgan va targ'ib-tashviq qiladigan o'zbek xalq rivoyatlari, ertaklari, dostonlari, maqol va matallari, aruz va baytlari, kuy va qo'shiqlariga unchalik e'tibor berilmadi, ular sinchiklab o'rganilmadi. Bularning o'rniga Yevropa va boshqa xalqlarning madaniy-ma'naviy meroslariga ruju qilindi. O'nlab yillar davomida biz ta'lim-tarbiya borasida Yevropa, Rossiya modelini ko'klarga ko'tarib maqtab, targ'ib qilib, yoshlarimizni o'z milliy qadriyatimizdan bebahra qilib qo'ydik. Ana shu kasofatlar tufayli diniy, axloqiy, madaniy-ma'naviy qadriyatlarimizning, oila, maktab, mahalla-ko'y, qo'ni-

qo'shnilar ta'lim-tarbiyasining hayot sinovidan o'tgan bebaho boyliklaridan judo bo'la boshladik, bora-bora ularni unutdik va bugun xalqimiz orasida turli illatlarga duch kelib turibmiz.

Milliy qadriyatlarimizning mohiyatiga zid bo'lgan bunday salbiy hodisalarning uzoq davom etishiga ortiqcha chidash, sabr-toqat qilish mumkin emas edi. Mustaqilligimiz tufayli bularga chek qo'yildi. Mustaqilligimiz ta'lim-tarbiya, odoq-axloq masalalarida ham tub burilish davrini boshlab berdi. Milliy an'analar, milliy madaniyat, milliy qadriyatlar o'zining qaddini rostlay boshladi.

Kattalarga izzat-ikrom, kichiklarga mehr-shafqat, ota-onaga e'zoz, farzandlarga mehr-sadoqat - bular insonni inson sifatida ulug'laydigan, axloqiy, ma'naviy jihatdan go'zal va barkamol qiladigan qadriyatlardan hisoblanadi.

Mustaqil O'zbekiston Respublikasining asosiy qonuni-Konstitutsiyasida farzandlarning jamiyat, oila hamda ota-onalari oldidagi insoniy burchlari va mas'uliyatlari nimalardan iboratligi milliy qadriyatlarimizdagi asosiy g'oya va qoidalarga asoslanib belgilab berilgan. Uning 66-moddasida qayd qilinishicha, voyaga yetgan, mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amg'o'rlik qilishga majburdirlar.

Milliy qadriyatlar ustida fikr yuritganda yana bir muhim masalani alohida ta'kidlashga to'g'ri keladi. Ma'lumki, qadimiy urf-odatimizga ko'ra, o'zbek oilalarida, ayniqsa, ko'p bolali xonadonlarda yoshlar bolaligidanoq mehnat quchog'ida tarbiyalanadi, mehnatda chiniqadi. Dalada, uy-joyda ota-onaga yordam berib, mehnat qilib, hali hech bir bola mayib bo'lgan emas. Aksincha, mehnat qilgan bola chiniqqan, oq-qorani tanigan, ota-onasining qadriga yetgan. Mehnat qilib murakkab hayot yo'lida uchrashi mumkin bo'lgan har qanday to'siq va qiyinchiliklarni sabr-toqat bilan yengib o'tishga o'rgangan.

Afsuski, o'tgan sobiq sovetlar davrida xalqimizning ana shu muhim an'analari ba'zan e'tibordan chetda qola boshladi, yoshlarning mehnatsevarlik xislatlarini shakllantirish masalasiga rasmiyatchilik bilan qaraldi. SHahar va qishloqdagi maktab o'quvchilarini kasb-hunarga o'rgatish masalasiga birmuncha sovuqqonlik bilan qaraldi.

Xalqimizning ko'hna va boy tarixiga nazar tashlasak, Yurtboshimizning quyidagi so'zlari qanchalik asosli ekaniga ko'p bora guvoh bo'lamiz:

**«Azaldan o'zbek mahallasi chinakam milliy qadriyatlar maskani bo'lib keladi. O'zaro mehr-oqibat, ahillik va totuvlik, ehtiyojmand, yordamga muhtoj kimsalar holidan xabar olish, yetim-esirlarning boshini silash, to'y-tomosh, hashar va ma'rakalarni ko'pchilik bilan bamaslahat o'tkazish, yaxshi kunda ham, yomon kunda ham birga bo'lish kabi xalqimizga xos urf-odat va an'analar avvalambor mahalla muhitida shakllangan va rivojlangan».**

Mustaqillik yillarida esa mahallaning bu azaliy xususiyatlari qatoriga ko'plab yangi va mas'uliyatli vazifalar kelib qo'shildi. CHunonchi, mahallaning huquq va vakolatlari doirasi sezilarli kengaytirildi. U o'zini o'zi boshqarishning g'oyat xalqona, tabiiy tizimi sifatida jamiyat hayotini tashkil etishda tobora faol ishtirok etmoqda. Uning bu ishtiroki ham qonuniy, huquqiy asosga ega bo'ldi. **«Davlatchiligimiz tarixida birinchi marta «mahalla» tushunchasi**

**Konstitutsiyamizga kiritilib, uning jamiyat boshqaruvidagi o'rnini va maqomini qat'iy belgilab qo'yildi».**

Birinchi Prezidentimiz mahallalardagi ma'naviy muhit sog'lomligi mamlakat hayotida qanchalik muhim rol o'ynashini shunday ta'kidlaydi: **«Biz har qaysi xonadon, butun el-yurtimizdagi ma'naviy iqlim va vaziyatni anglamoqchi bolsak, bu boradagi haqiqiy manzaraning yorqin ifodasini avvalo mahalla hayotida xuddi oynadek yaqqol ko'rish imkoniga ega bolamiz».**

Darhaqiqat, biz uchun oilamiz ko'z ochib ko'rgan dargoh bo'lsa, mahallamiz muqaddas Vatanimiz ichidagi mo'jaz vatandir. Aytganimizdek, mahalla oilalardan tashkil topadi. Farzandlar oila bag'rida kamol topgani kabi oila ham mahalla ko'z oldida barpo bo'ladi, uning ichida ravnaq topadi. SHu tufayli ham mahalla oilaning eng yaqin maslahatchisidir.

Keyingi yillarda mahallalarimiz kam ta'minlangan, ko'p bolali oilalar, yolg'iz keksalar, nogironlar, yetim-esirlar, boquvchisini yo'qotgan oilalarni ijtimoiy muhofaza qilishning asosiy kuchi bo'lib qoldi. Bu maqsadlar uchun davlat budjetidan ajratiladigan juda katta mablag' mahalla ixtiyoriga berilishi, uning adolatli taqsimlanishi borasida mahallaga ishonch bildirilishi ham uning obro'sini va mas'uliyatini yanada oshirdi. Uning mavqeyi va e'tibori yuksalishida 2003-yilning mamlakatimizda «Obod mahalla yili» deb e'lon qilinishi alohida muhim rol o'ynadi. Har yili Navro'z va Mustaqillik bayramlari arafasida tashkil qilinadigan umumxalq hasharidan tushadigan milliardlab mablag'lar ham Respublika «Mahalla» jamg'armasi, uning viloyat va tuman bo'limlari hisobiga o'tkazilib, mazkur mablag'lar kam ta'minlangan, ijtimoiy muhofazaga muhtoj aholi qatlamlariga, «Mehribonlik», «Muruvvat» va «Saxovat» uylariga yo'naltiriladi. SHuningdek, oilada ma'naviy-axloqiy muhitni sog'lomlashtirish, madaniy turmush darajasini oshirish, barkamol avlodni shakllantirish maqsadida respublikamizdagi barcha mahalla oqsoqollarining diniy ma'rifat va ma'naviy-axloqiy masalalar bo'yicha maslahatchilari lavozimi joriy etildi. Bu degani qariyb o'n ming nafar ma'rifatli, hayot tajribasi boy opalarimiz va onalarimiz oilalarga ma'rifat nurini, yuksak ma'naviy qadriyatlarni muntazam olib kirish imkoniyatiga ega bo'ldi, deganidir.

Bugungi kunda mahalla fuqarolar yig'inlari huzuridagi mutasaddi kengashlar rahbarligida uning hududida jamoat tartibini saqlash, yoshlar va o'smirlar o'rtasida huquqbuzarlikning oldini olish, voyaga yetmaganlarning huquqlarini muhofaza qilish, yoshlarni harbiy xizmatni o'tashga jismoniy va ma'naviy jihatdan tayyorlash vazifalari muvaffaqiyatli hal etilyapti.

---

**Adabiyotlar ro'yxati**

1. Salayeva M.S. Umumiy pedagogika. Darslik. Toshkent. "Nodirabegim" nashryoti. 2021-yil.8-b.
2. Abdullayeva Sh. Umumiy pedagogika. O'quv qo'llanma. Toshkent. O'qituvchi nashryoti. 2021- yil.209-bet.
3. Istamova N . va boshqalar. Tarbiya 1,2,3,4. Darslik. G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent-2020-yil.203-bet.
4. Sarsenbayeva R.M. Tarbiyaviy ishlar metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent-2019-yil.17-bet.
5. Dexqanova M.U. Tarbiyaviy ishlar metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent-2019 yil. 23-bet.
6. B.X.Xodjayev. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyotir. Darslik T.: Sano-standart. 2017- yil .9-bet

## O'SMIRLARDAGI PSIXOSOMATIK KASALLIKLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Rashidova Gulnoza G'ulomovna*

*Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

*Soyimnazarov Navro'zbek Baxtiyor o'g'li*

*O'zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali talabasi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'smirlilik davridagi ijtimoiy-psixologik xususiyatlari, psixosomatik kasalliklarning kelib chiqishi haqida umumiy ma'lumot berilgan. O'smirlarda ikkilamchi jinsiy xususiyatlarning shakllanishidan tashqari, tana qismlarining munosabatlarida o'zgarishi va o'smirlilik bolalikdan kamolotga o'tish davri sifatida doimo tanqidiy deb hisoblanishi, bu yoshdagi inqiroz (balog'atga yetishish) yosh yoshdagi inqirozlardan sezilarli darajada farq qilishi haqida batafsil bayon etilgan.

**Аннотация.** В данной статье представлены общие сведения о социально-психологических особенностях подросткового возраста и происхождении психосоматических заболеваний. Помимо формирования у подростков вторичных половых признаков, изменения соотношения частей тела и того факта, что подростковый возраст всегда считается критическим как период перехода от детства к зрелости, кризис этого возраста (пубертатного периода) существенно отличается от кризисов юности.

**Abstract.** This article provides general information about the socio-psychological features of adolescence, the origin of psychosomatic diseases. In addition to the formation of secondary sexual characteristics in adolescents, changes in the relationship of body parts, and the fact that adolescence is always considered critical as a period of transition from childhood to maturity, the crisis of this age (puberty) is significantly different from the crises of young age done.

**Kalit so'zlar:** Endokrin, psixika, ong, intensiv, somatapsixika, neyron.

**Ключевые слова:** эндокринная система, психика, сознание, интенсив, соматапсихика, нейрон.

**Key words:** Endocrine, psyche, consciousness, intensive, somatapsychics, neuron.

Hozirgi vaqtda o'smirlarni 12-15 yoshli bolalar deb atash odat tusiga kirgan va 11-12 yosh davri prepubertal davr, 13-15 yosh esa balog'atga etishish davri sifatida belgilanadi. O'smirlilik bolalikdan kamolotga o'tish davri sifatida doimo tanqidiy deb hisoblangan, ammo bu yoshdagi inqiroz (balog'atga yetishish) yosh yoshdagi inqirozlardan sezilarli darajada farq qiladi. Bu eng o'tkir va eng uzun. Bu o'smirlarga bir qator somatik, psixologik va ijtimoiy omillarning birgalikda ta'siri bilan bog'liq.

O'smirning tanasida bo'ronli va ba'zan og'riqli somatik o'zgarishlarning markazida balog'atga etishish bilan yakunlanadigan endokrin tizimning intensiv qayta tuzilishi yotadi. O'smirlarda ikkilamchi jinsiy xususiyatlarning

shakllanishidan tashqari, tana qismlarining munosabatlarida o'zgarish mavjud; magistral oyoq-qo'llarining jadal rivojlanishi bilan hali ham bolalarcha. Harakatlar bir vaqtning o'zida burchakli va noqulay bo'ladi. Ko'pincha ichki organlar tananing tez o'sishiga (mushaklar massasining keskin o'sishi va o'sishi) mos kelmaydi, bu esa bir qator funksional kasalliklarning, ayniqsa yurak-qon tomir tizimining rivojlanishiga olib keladi.

Gormonlarning ikkilik ta'siri prinsipiga ko'ra, endokrin tizimni qayta qurish psixikadagi tegishli o'zgarishlarsiz davom eta olmaydi. Shu munosabat bilan, o'smirlarda ayniqsa keskin endokrin o'zgarishlar davrida aniq ruhiy bezovtalik, tashvish darajasining oshishi kuzatiladi. Ushbu tashvishdan xalos bo'lishga, uni tashlab yuborishga harakat qilib, ular tez-tez to'qnash kelishadi, jamoaviy janjallar ko'pincha qayd etiladi. Bu, shuningdek, o'smirlarning katta shovqinli rok-kontsertlarga borishga, giyohvandlik va spirtli ichimliklarni iste'mol qilishga moyilligini tushuntiradi.

O'smirlar faqat gormonal ta'sirlardan kelib chiqqan ruhiy o'zgarishlar bilan bir qatorda, endokrin tizimni qayta qurish bilan bevosita bog'liq bo'lmagan chuqur psixologik, shaxsiy o'zgarishlarni ham boshdan kechiradilar. Bunday o'zgarishlar o'z-o'zini hurmat qilish hissi, o'z imkoniyatlari va qobiliyatlari bilan yangi o'z-o'zini anglashni shakllantirishni o'z ichiga oladi. Do'stlik va sevgining yuqori tuyg'ulari rivojlanadi va to'liqroq amalga oshiriladi va sevgi hech qanday jinsiy ehtiyojlar bilan bog'liq emas, aksincha, faqat platonik, ruhiy xususiyatga ega.

O'smirlik davrida bolaning atrof-muhitga va o'ziga bo'lgan ko'plab oldingi munosabatlari buziladi va tiklanadi, o'smirning mustaqil hayotini boshlaydigan hayotiy pozitsiyasi shakllanadi. Voyaga etish bir martalik hodisa emas, balki uzoq jarayon bo'lib, uning biologik va ijtimoiy jihatlari o'z kuchlariga, o'ziga xos ritmi va rivojlanish sur'atlariga ega. O'smirlarning jismoniy va aqliy rivojlanishining yuqori, ammo sinxron bo'lmagan sur'ati tufayli, ular hali ham yetarli darajada ijtimoiy yetuk bo'lmagan sharoitlarda har doim ham qondirish mumkin bo'lmagan juda ko'p ehtiyojlarga ega. Shu sababli, o'smirlik davridagi ehtiyojlardan mahrum bo'lish yoshroq yoshga qaraganda tez-tez kuzatiladi va sezilarli darajada namoyon bo'ladi va o'smirning aqliy va ijtimoiy rivojlanishida hamohanglik yo'qligi sababli uni yengish juda qiyin.

O'smirlikning asosiy neoplazmasi - kattalar tuyg'usining shakllanishi, ya'ni o'smir ehtiyojlarining asosiy qismi kattalarnikidan farq qilmaydigan holat. Biroq, ob'ektiv ravishda o'sib ulg'ayganida, u uchun ijtimoiy vaziyat, qoida tariqasida, o'zgarmaydi - u talaba bo'lib qoladi va bir qator fuqarolik huquqlaridan mahrum bo'lgan ota-onasiga qaram bo'ladi. Shuning uchun ko'plab da'volar hal qilib bo'lmaydigan qiyinchiliklarga olib keladi, haqiqatga zid keladi. Bu o'smirlik inqirozining asosiy psixosotsial sababidir.

Captivate yordamida dasturlarning interfaol namoyishlari, simulyatsiyalar, yordamchi ma'lumotlar, skrinkastlar, o'yinlar va darslar yaratish va tahrirlash mumkin. Captivateda yaratilgan skrinkastlar ekrandan qilingan yozuvlarga nisbatan ancha kam joy egallaydi. Adobe Captivate dasturining kamchiligi, dastur yordamida ishlab chiqilayotgan o'quv kurslari Flash texnologiyasiga asoslangan. Adobe Captivatening yuqorida ko'rib chiqilgan imkoniyatlariga qaramay, bu texnologiya yopiq, maxsus va planshet qurilmalar va smartfonlar qo'llab-quvvatlanmasligini ta'kidlash lozim. Bundan tashqari, bu texnologiyalar hisoblash resurslariga juda talabchan, bu esa hozirda keng tarqalgan shaxsiy kompyuterlarning rusumlarida— noutbuklarda (ko'p quvvat sarflaydi) ishlatish uchun noqulaylik tug'diradi.

Camtasia Studio – ajoyib utilita dasturlardan biri bo'lib. uning yordamida ekrandagi tasvir va harakatlarni yozib olish va uni turli xildagi kengaytmalarda kompyuter xotirasida saqlash mumkin. Bundan tashqari yozib olingan videoni tahrirlash va maxsus pleerlar yordamida namoyish etishni ta'minlash mumkin. Dastur ekranning istalgan qismidagi harakatlarni va tovushni odatda .AVI standartida saqlashi mumkin. Camtasia Studio dasturi ekranda bo'layotgan jarayonlarni saqlab qo'yish uchun ishlatiladi. Dastur to'rtta yordamchi qismlardan iborat: Camtasia MenuMaker, Camtasia Player, Camtasia Theater va Camtasia Recorder. Dasturning asosiy qismi, shubhasiz, Camtasia Recorder hisoblanadi. Barcha ma'ruzalar aynan shu dastur yordamida yaratildi. Videoma'ruzani yaratish bosqichlari quyidagilardan iborat:

1-bosqich. Videoma'ruzani yaratish uchun avvalo videoma'ruza yaratuvchi dastur tanlandi.

2-bosqich. Dastur foydalanuvchi kompyuteriga o'rnatiladi.

3-bosqich. Videoma'ruza tayyorlash uchun zarur ma'lumotlar yig'ildi.

4-bosqich. Ma'lumotlar tartib bilan ketma-ketlikda joylab loyihlashtirildi.

5-bosqich. Yaratilgan proekt video ko'rinishida saqlanadi.

Yaratilgan videoma'ruza "AutoPlay Media Studio" dasturiga joylanadi. Autoplay dasturidan foydalanish uchun talabalarga yo'riqnoma ishlab chiqiladi va tanishtiriladi. Yaratilgan videoma'ruzadan ma'ruza mashg'ulotlarni o'tkazishda bir nechta metodlardan foydalaniladi.

<sup>6</sup> UDK: 004 S.K.Ganiyev, A.A.Ganiyev, Z.T.Xudoyqulov. Kiberxavfsizlik asoslari: o'quv qo'llanma. – T.: «Aloqachi», 2020, 303 bet.


“Assesment” metodi.

Metodning maqsadi: mazkur metod ta'lim oluvchilarning bilim darajasini baholash, nazorat qilish, o'zlashtirish ko'rsatkichi va amaliy ko'nikmalarini tekshirishga yo'naltirilgan. Mazkur texnika orqali ta'lim oluvchilarning bilish faoliyati turli yo'nalishlar (test, amaliy ko'nikmalar, muammoli vaziyatlar mashqi, qiyosiy tahlil, simptomlarni aniqlash) bo'yicha tashhis qilinadi va baholanadi.

Metodni amalga oshirish tartibi:

“Assesment” lardan ma'ruza mashg'ulotlarida talabalarning yoki qatnashchilarning mavjud bilim darajasini o'rganishda, yangi ma'lumotlarni bayon qilishda, seminar, amaliy mashg'ulotlarda esa mavzu yoki ma'lumotlarni o'zlashtirish darajasini baholash, shuningdek, o'z-o'zini baholash maqsadida individual shaklda foydalanish tavsiya etiladi. Shuningdek, o'qituvchining ijodiy yondashuvi hamda o'quv maqsadlaridan kelib chiqib, assesmentga qo'shimcha topshiriqlarni kiritish mumkin.

Namuna. Har bir katakdagi to'g'ri javob 5 ball yoki 1-5 balgacha baholanishi mumkin.



Xulosa qilib yana shuni aytish mumkinki, multimedia vositalari yordamida shaxsga yo'naltirilgan ta'limni amalga oshirish jarayoni zamonaviy, ko'p tarmoqli, predmetga yo'naltirilgan multimediali o'quv vositalarini ishlab chiqishni va foydalanishni talab etadi. Ta'lim oluvchilarning individual xususiyatlarini hisobga olish va ularning manfaatdorligini (motivatsiyasini) oshirishga ko'maklashish imkoniyatlariga ko'ra, shuningdek, har xil turdagi multimediali o'quv axborotlarining uyg'unlashuvi, interfaollik, moslashuvchanlik sifatlariga ko'ra multimedia foydali va mahsuldor ta'lim texnologiyasi hisoblanadi.

Videoma'ruzalar yaratish ham multimedia texnologiyalari turiga mansub bo'lib, foydalanuvchiga videoma'ruza mavzusini mustaqil o'rganish imkonini beradi.

### References

1. UDK: 004 S.K.Ganiyev, A.A.Ganiyev, Z.T.Xudoyqulov. Kiberxavfsizlik asoslari: o'quv qo'llanma. – T.: «Aloqachi», 2020, 303 bet.
2. Ганиев С. К., Каримов М. М., Ташев К. А. Ахборот хавфсизлиги. Ахборот-коммуникация тизимлар хавфсизлиги. Олий ўқув юрт талабалари учун мўлжалланган. "Алоқачи", 2008.
3. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари – Тошкент, 2001.

---

## MEHNAT UNUMDORLIGI, UNI OSHIRISH BO'YICHA ILMIY - NAZARIY KONSEPSIYALARNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI

*Hasanova Nigora Hasan qizi*  
*O'zbekiston Milliy Universiteti*  
*Iqtisodiyot fakulteti Tayanch doktoranti*

**Kalit so'zlar:** Iqtisodiyot, mehnat unumdorligi, samaradorlik, mahsulot, xizmat, tannarx, tejamkorlik, ichki imkoniyatlar, qo'l mehnati, texnika, texnologiya, ilmiy qarashlar, nazariy konsepsiyalar, ishchi kuchi, vaqt birligi, xarajat, foyda.

**Ключевые слова:** Экономика, производительность труда, эффективность, продукт, услуга, стоимость, экономия, внутренние возможности, ручной труд, техника, технология, научные взгляды, теоретические представления, рабочая сила, единица времени, стоимость, прибыль.

**Key words:** Economics, labor productivity, efficiency, product, service, cost, savings, internal capabilities, manual labor, technique, technology, scientific views, theoretical concepts, labor force, unit of time, cost, profit.

**Anotatsiya.** Ushbu maqola mahsulot ishlab chiqarish jarayonida mehnat unumdorligini oshirish orqali foydani o'stirishga qaratilgan ilmiy-nazariy qarashlarning yuzaga kelishi, konsepsiyalarning ishlab chiqilishi xususida bo'lib, unda iqtisodiy ta'limotlar tarixini boyitgan g'arb iqtisodchi olimlarining fikrlari hamda ziddiyatlari bayon qilingan. Shuningdek maqolada O'zbekistonning mehnat unumdorligi va uni oshirish yuzasidan izlanishlar olib borgan iqtisodiyot sohasi vakillarining ilmiy natijalari xususida so'z boradi. Mehnat unumdorligiga berilgan ta'riflar o'rganilib, ular ichidan eng maqbuli sifatida saralanganlari keltirib o'tiladi.

**Аннотация.** В данной статье речь идет о возникновении научно-теоретических взглядов и разработке концепций, направленных на увеличение прибыли за счет повышения производительности труда в процессе производства продукции. В статье также говорится о научных результатах представителей экономического сектора, проводивших исследования производительности труда Узбекистана и ее повышения. Изучены определения производительности труда и приведены те из них, которые выбраны наиболее приемлемыми.

**Annotation.** This article deals with the emergence of scientific and theoretical views and the development of concepts aimed at increasing profits by increasing labor productivity in the production process. The article also talks about the scientific results of representatives of the economic sector who conducted research on labor productivity in Uzbekistan and its increase. The definitions of labor productivity are studied and those of them that are chosen as the most acceptable are given.

**Kirish.** Iqtisodiyot – dunyo miqyosida mamlakatlarning tayanchi hisoblanuvchi sohadir. Shu bois uning izchil rivojlanishini ta'minlash muhim ahamiyat kasb etadi. Iqtisodiy barqarorlikka erishish mahsulot ishlab chiqarish yoki xizmatlar ko'rsatish jarayonida intensiv, ichki imkoniyatlardan to'laqonli foydalanishni taqazo etadi. Bunday vaziyatda esa mehnat unumdorligini oshirish zarurati yuzaga chiqadi. Mehnat unumdorligi hamda iqtisodiy taraqqiyot muammosi hamisha kishilarni qiziqtirib kelgan va ushbu qiziqish ishlab chiqarishni mashinalashtirishdan boshlab yalpi tus olgan. Xalq xo'jaligi vujudga kelishining dastlabki bosqichida esa, unumdorlik o'rnida hosildorlik termini qo'llanilgan. Bunga sabab mahsulot ishlab chiqarish inson omili ishtirokining qay darajada yuqori bo'lishiga emas, tabiatga va geografik joylashuvga bog'liq bo'lgan.

Dastlab, Adam Smit, keyinroq David Rikardo mehnat unumdorligi to'g'risidagi ta'limotga asos soldilar. Bu iqtisodchi olimlar tayyor mahsulot, ishlab chiqaruvchi xodimlar va ular foydalanadigan ishlab chiqaruvchi kuchlarning qudrati o'rtasidagi nihoyatda oddiy bog'liqliklarni aniqlab berdilar. Ammo har qanday iqtisodiy yoki boshqa sohaga oid terminlar, ular to'g'risidagi qonunlarning standart, hamma uchun birdek amal qiladigan shaklga keltirilishi bu borada hamfikr va zid qarashga ega bo'lgan ilm egalarining bahs munozaralariga, tortishuvlariga sabab bo'ladi. Har bir ilmiy nazariyaning o'z tarixi va qiziqarli jihatlari bo'lib, bunday o'rganish turli nuqtai nazarlarni hisobga olish va taqqoslash, muammoni hal qilishga oqilona yondashishni topishga yordamlashadi. Iqtisodiy adabiyotlarda, asosan, mehnat unumdorligi, uning ko'rsatkichlari, o'lchash usullari xususida bahslar hamon davom etmoqda. Shunga bog'liq holda masalaga bo'lgan asosiy yondashuvlar va konsepsiyalarni ko'rib chiqamiz. Mehnat unumdorligi bilan ishlab chiqaruvchi mehnat kuchining nisbati to'g'risidagi masala yuzasidan bahs - munozaralar XX - asrning 20-yillarida boshlanib, keyingi davrlarda u yoki bu darajada keskinlik bilan davom etdi. Ushbu munozaraning zamirida ikki tushuncha - «ishlab chiqaruvchi mehnat kuchi» (Produktiv-kraft) va «mehnat unumdorligi» tushunchalarining talqini yotadi. Mazkur masala yuzasidan barcha nuqtai nazarlarni ikkita konseptual yondashuvga birlashtirsa bo'ladi. Birinchi yondashuv «ishlab chiqaruvchi mehnat kuchi» va «mehnat unumdorligi» tushunchalarini farqlash zarurligini rad etishdan iborat. Uning tarafdorlari A.M. Ginzburg, A.B. Xalatov, A.V. Bazarov, L.E. Gorelik va boshqa iqtisodiy olimlar ushbu tushunchalarni qarama-qarshi qo'yish behuda va sun'iy bo'lib, jiddiy xatolarga olib keladi, deb hisoblaydilar. Ikkinchi yondashuv ushbu tushunchalarni farqlash va ular o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlashni nazarda tutadi. Mehnat unumdorligi muammolari bilan shug'ullanadigan ko'pchilik mutaxassislar shunday nuqtai nazarning tarafdorlari bo'lib kelmoqdalar.

Mamlakatimiz amaliyotida ijtimoiy ishlab chiqarish darajalari bo'yicha mehnat unumdorligini hisoblashning turli tamoyillariga asoslanadigan ko'rsatkichlardan uzoq vaqt davomida foydalanib kelindi. Chunonchi, milliy iqtisodiyotda va uning tarmoqlarida ijtimoiy mehnat unumdorligi hamda uning dinamikasi jami xarajatlar, ya'ni faqat mahsulot ishlab chiqarishga sarflangan jonli

mehnatgina emas, balki buyumlashgan mehnat xarajatlarini ham tejashni aks ettirar edi. Ayni vaqtda, korxonalar darajasida mehnat unumdorligi dinamikasi faqat jonli mehnat tejalishini aks ettirar edi. Bu hol ijtimoiy ishlab chiqarish darajalari bo'yicha ko'rsatkichlarni umumlashtirishga va xodimlarning iqtisodiy manfaatlariga kerakli yo'nalishda samarali ta'sir ko'rsatishga imkon bermas edi. Jahon amaliyotida "mehnat unumdorligi" va "unumdorlik" atamalaridan keng foydalaniladi. Bu atamalar ana shu ko'rsatkichlarni hisoblab chiqarishga asos bo'ladigan mehnat natijalarining ta'rifi va tarkibi bilan farqlanadi. Mehnat unumdorligi atamasi faqat yaratilgan (sotilgan) mahsulotlar (xizmatlar) hajminigina o'z ichiga oladi, holbuki, unumdorlik atamasi qo'shimcha ravishda mehnat natijalarida buyumlashgan mehnatning tejalishi yoki ortiqcha sarflanishini ham hisobga oladi.

Ko'rinib turibdiki, mehnat unumdorligini aniqlashga turli sohada turli olimlar tomonidan turlicha yondashilgan. Ularni nazariy jihatdan bir xil holatga keltirib olish uchun ushbu ko'rsatkichning nafaqat aniqlanish yo'llarini, balki nazariy jihatdan uning ta'rifini ham ishlab chiqish maqsadga muvofiq bo'lardi. A. B. Vaxobov, A. Ishanqulov va N. Ibroximovlarning bergan ta'rifiga ko'ra : Mehnat unumdorligi – ishlab chiqarish samaradorligini ifodalovchi asosiy ko'rsatkich sifatida qaralgan va uni ifodalash uchun ham ko'rsatkichlar tizimidan foydalanish lozimligi uqtirilgan . Bunda bitta ishlovchiga to'g'ri keladigan o'rtacha ishlab chiqarilgan mahsulot olingan.

E.A. Markaryan, G.P.Gerasimenko, S. E. Markaryan kabilar quyidagicha mehnat unumdorligini ta'riflaganlar: bunda ikkita ko'rsatkich bilan ifodalash tavsiya qilingan : bitta xodimga va bitta ishchiga to'g'ri keladigan o'rtacha ishlab chiqarilgan mahsulotdir.

G.V.Savitskaya esa, mehnat unumdorligi ko'rsatkichlar tizimida ifodalanadi, deb ko'rsatgan va asosiy umumlashtirilgan ko'rsatkich sifatida bitta ishlovchiga to'g'ri keladigan o'rtacha ishlab chiqarilgan mahsulot olingan deb hisoblaydi.

Sh. R. Xolmo'minov, X. M. Xakimov, I. A. Boqiyeva, M. A. Allayeva , A. T. Mahkamboyevlar: Mehnat unumdorligi darajasiga baho berish uchun umumlashtiruvchi, xususiy va yordamchi ko'rsatkichlar tizimi qo'llaniladi. Umumlashtiruvchi ko'rsatkichlarga bitta ishchining ishlab chiqargan o'rtacha yillik, o'rtacha kunlik, va o'rtacha soatlik mahsuloti, shuningdek, bitta ishlovchiga to'g'ri keladigan o'rtacha yillik mahsulot ishlab chiqarishning qiymat ifodasi kiradi, deb hisoblaydilar.

Z. Akbarova – mehnat unumdorligi darjasi qilingan mehnatdan olingan samarani (mahsulot yoki xizmat) baholab berishi lozim. Shuning uchun bu ko'rsatkichni hisoblashda sarf qilingan mehnat – T, natijaviy ko'rsatkich – Q lar nisbati olinadi, deb hisoblaydi.

I. T. Abdukarimov, L. G. Abdukarimova, V.V.Smagina – mehnat unumdorligi bitta xodim tomonidan bir vaqt birligida ishlab chiqarilgan mahsulot miqdorini ifodalaydi va ishlab chiqarilgan mahsulot hajmini (natural va qiymat ko'rinishida) o'rtacha band bo'lgan xodimlar soniga bo'lish yo'li bilan aniqlanadi, degan fikrni bildirganlar.

M.Q. Ochilov : xizmat ko'rsatish sohasining umumiy mehnat unumdorligi shu sohada band bo'lgan xodimlar mehnatining samaradorligini ifodalaydi. Ushbu ko'rsatkichning miqdori bitta xodimning ma'lum vaqt birligida qancha mahsulot (xizmat) ishlab chiqarilganligini ifoda etadi.

Shunday qilib, mehnat unumdorligi deganda, bitta xodimning bir vaqt birligi (soat, smena, oy, chorak, yil) davomida ishlab chiqarilgan mahsulot (ish, xizmat) xajmining miqdori (natural, natural-shartli, qiymat, mehnat) yoki bir mahsulot birligining ishlab chiqarishga sarf qilingan vaqt birligi bilan o'lchanishi tushuniladi.

Mamlatimizning birinchi prezidenti I.A. Karimov ta'kidlaganlaridek, «...qator tarmoqlarda ishlab chiqarish quvvatlaridan, asosiy fondlardan to'liq foydalanishda, mehnat samaradorligini oshirishda yo'l qo'yilayotgan kamchiliklar mahsulotlar tannarxining asossiz ravishda o'sib ketishiga olib kelmoqda».

Mehnat unumdorligi oshishi moddiy mahsulot ishlab chiqarishning rivojlanishiga, narx va inflatsiyani jilovlab turishga, jonli mehnatni tovar-moddiy mehnatga, pul bilan ta'minlangan talabni shakllantirishga, aholi daromadlari va farovonligini oshirishga hamda innovatsion iqtisodiy rivojlanishni ta'minlash imkonini beradi.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida mehnat unumdorligi nima, mehnat unumdorligini oshirish orqali erishish mumkin bo'lgan natija va yutuqlar haqida bildirilgan ko'plab fikrlar keltirildi, lekin yuqori mehnat unumdorligiga erishish asosiy masala hisoblanadi. Bugungi kunda sanoat korxonalarida bu boradagi mavjud muammolarga yechim topish, kamchiliklarni to'ldirish, yangiliklarni joriy etish bilan kutilgan natijaga ega bo'lishimiz mumkin.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Vaxabov A., Ibroximov A., Ishanqulov N. Moliyaviy va boshqaruv tahlili. Darslik.-T.:Sharq, 2005.-135-b
2. Razzoqov, Sh. Tashmatov, N. O'rmonov Iqtisodiy ta'limotlar tarixi. Darslik. Toshkent-2007.
3. Alekseycheva E. Yu., Magomedov M.D., Kosin I. B., Tashkilot (korxon) iqtisodiyoti. Darslik. M.: Dashkov va Co. 2020 y. 290-b.
4. Baskakova O.V., Machabeli O. Sh. Tashkilot iqtisodiyoti. Darslik. . M.: Dashkov va Co. 2019 y. 306-b.
5. Akbarova Z. Mehnat statistikasi. O'quv qo'llanma. -T.:TDIU,2014.-63-b.
6. Abdurahmonov Q.H, Holmo'minov Sh.R. «Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi». Toshkent-2004 yil, 126-143 betlar.

---

## PROFESSIONAL TA'LIMDA KORREKSION PEDAGOGIKA ASOSLARI

*D.I. Mukumova*

*“TIQXMMI” Milliy tadqiqot universiteti  
“Professional ta’lim” kafedrasida dotsenti.*

*Temirova Z.*

*universitet ilmiy izlanuvchisi*

*Rizayeva Sh.*

*universitet mustaqil izlanuvchisi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada to‘liq holda korreksion faoliyatning mohiyati “Korreksion pedagogika” (“Maxsus pedagogika”) fani negizida ochib berilgan. “Korreksion pedagogika” (“Maxsus pedagogika”) pedagogik turkum fanlar orasida alohida o‘rin tutadi. Ushbu fan jismoniy va aqliy rivojlanishda orqada qolgan bolalarni parvarishlash, ularga individual ta’lim berish, tarbiyalash orqali ularni rivojlantirish masalalari o‘rganiladi.

**Kalit so‘zlar:** Korreksion pedagogika, predmeti, vazifalari, kategoriyalari, anomal bolalar, korreksiya, difektologiya, inklyuziv ta’lim, oligofreno, tiflo, surdo, logopediya, uyda o‘qitish, korreksiyalash, faoliyat, korreksion faoliyat, tamoyil, korreksiyalash tamoyillari, bosqich, korreksiyalash bosqichlari, korreksiyalash shartlari.

**Аннотация.** В данной статье полностью раскрывается сущность коррекционной деятельности на основе науки «Коррекционная педагогика» («Специальная педагогика»). «Коррекционная педагогика» («Специальная педагогика») занимает особое место среди дисциплин. По данному предмету рассматриваются вопросы ухода за детьми, отстающими в физическом и умственном развитии, обеспечения им индивидуального обучения, развития через образование.

**Ключевые слова:** Коррекционная педагогика, предмет, задачи, категории, аномальные дети, коррекция, диффектология, инклюзивное образование, олигофренофил, дислексия, логопед, домашнее обучение, коррекция, деятельность, коррекционная деятельность, принцип, принципы коррекции, этап, этапы коррекции. , условия коррекции.

**Abstract.** This article fully reveals the essence of correctional activity on the basis of the science of "Correctional pedagogy" ("Special pedagogy"). "Correction pedagogy" ("Special pedagogy") has a special place among disciplines. This subject examines the issues of caring for children who are lagging behind in physical and mental development, providing them with individual education, and developing them through education.

**Key words:** Correctional pedagogy, subject, tasks, categories, anomalous children, correction, difectology, inclusive education, oligophreno, dyslexia, speech therapy, home education, correction, activity, correctional activity,

principle, principles of correction, stage, stages of correction, conditions of correction.

Maxsus pedagogika uzoq yillar davomida pedagogika oliy ta'lim muassasalarining "Defektologiya" (yun. "defectus" – nuqson, kamchilik, "logos" – fan, ta'limot) fakultetlarida o'qitilib kelingan. Zamonaviy sharoitda "Maxsus pedagogika" fani "Inklyuziv ta'lim" degan nom bilan ham atalmoqda.

Inklyuziv ta'lim (ing. "inclusion" – o'z ichiga olish, kiritish, uyg'unlashtirish) davlat siyosati bo'lib, nogironligi yoki boshqa sabablar tufayli (tarbiyasi og'ir, etim bolalar, turli hil kasalliklarga chalingan ijtimoiy himoyaga muhtoj mayda millat bolalari) maxsus yordamga muhtoj bo'lgan bolalarni sog'lom tengdoshlari bilan birga umumta'lim muassasalarida o'qitish va tarbiyalashni ko'zda tutadi.

Kirish: Respublika OTMda Pedagogik turkum fanlar doirasida "Korreksion pedagogika" mustaqil fan sifatida o'qitilgani sababli ayni o'rinda ushbu fan asoslari xususida batafsil to'xtalmay, asosiy e'tiborni umumiy o'rta ta'lim maktablarida kuzatiladigan korreksion. Korreksion pedagogika ("Maxsus pedagogika") – rivojlanishda jismoniy yoki psixik kamchilikka ega, maxsus, individual tarbiyalash va o'qitish metodlariga asoslangan, imkoniyatlari cheklangan bolalarni rivojlantirish jarayonini boshqarishni o'rganuvchi fan<sup>7</sup>.

Professional ta'lim jarayonida o'quvchining o'qishi va xulqi bilan bog'liq salbiy holatlarni bartaraf qilishda o'qituvchi, maktab psixologi, tibbiyot xodimi tomonidan korreksion faoliyat tashkil etiladi. Korreksion faoliyatning asosini korreksiyalash tashkil qiladi.

Korreksiya (yun. "correctio" – tuzatish; pedagogikada – pedagogik tuzatish) – pedagogik uslub, tibbiy choralardan iborat maxsus tizimi yordamida anomal bolalarning psixik, jismoniy rivojlanish kamchiliklarining qisman yoki to'liq tuzatilishi<sup>8</sup>.

Korreksiyalash (pedagogik tuzatish) – o'quvchi shaxsida kuzatilayotgan og'ishlarni tashxislash asosida ularni bartaraf qilishga qaratilgan maxsus hamda umumiy pedagogik chora tadbirlar tizimi; sabablarini tashxislash asosida o'quvchi shaxsida kuzatilayotgan og'ishlarni bartaraf etishga qaratilgan harakat; maxsus hamda umumiy pedagogik chora-tadbirlarning ko'rilishi.

Korreksion faoliyat – pedagogik uslub, tibbiy choralardan iborat maxsus tizimi yordamida anomal bolalarning psixik va jismoniy rivojlanish kamchiliklarini qisman yoki to'liq tuzatishga qaratilgan pedagogik faoliyat<sup>9</sup>.

O'z mohiyatiga ko'ra korreksiyalash mustaqil pedagogik hodisa hamda maxsus harakatlar tizimi sifatida namoyon bo'ladi. SHuningdek, korreksiyalash muayyan pedagogik hodisaga yondashuv nuqtai nazardan to'liq yoki qisman amalga oshirilishi ham mumkin. Aksariyat holatlarda korreksiyalash yaxlit


<sup>7</sup> Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: ТДПУ, 2012. – 179-б.

<sup>8</sup> Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: ТДПУ, 2012. – 179-б.

<sup>9</sup> Ўша манба. – 179-б.

pedagogik hodisaga nisbatan amalga oshiriladi va bunda ko'p omillilik inobatga olinadi.

Maxsus pedagogika o'z ichiga quyidagi sohalarni qamrab oladi (1-rasm)<sup>10</sup>:



Professional ta'lim muassasalarida pedagogik tuzatishlar korreksion-rivojlantiruvchi ta'lim negizida amalga oshiriladi. Bunda quyidagilarga e'tibor qaratiladi:

tashxislash natijalarini tahlil qilish va baholash asosida ularda kuzatilayotgan o'quv va xulqiy nuqsonlarni bartaraf qilish orqali o'quvchi

shaxsini rivojlantirish maqsadi, vazifalarini aniq belgilash;

rivojlanish (o'qish, murakkab bo'lmagan matematik amallarni bajarish, nutq, fikrlash qobiliyati, fikrlarni mantiqiy bog'lay olish, fikrni og'zaki va yozma tarzda bayon qilish)da muammolari bo'lgan o'quvchi yoki o'quvchilar guruhi uchun "Individual rivojlanish dasturi"ni ishlab chiqish;

Talabalar guruhini korreksion rivojlantirish metodikasini puxta asoslash, samarali shakl, metod, vosita, texnologiyalarini tanlash;


ta'lim mazmunini, o'quv materiallarini talabaning mavjud rivojlanish darajasini to'ldiradigan, u tomonidan qabul qilinadigan bir muncha murakkab o'quv axborotlari bilan to'ldirish;

shartli tabaqalashtirgan talabalar guruhlarining bilim darajasiga mos holda o'quv materiallarini taqdim qilish;

talabalar guruhining "yaqin rivojlanish hududi"ni belgilagan holda imkoniyatlarini to'la ro'yobga chiqarish choralarini belgilash.

Korreksiyalashning ustuvor tamoyillarini quyidagilar tashkil qiladi 2-rasm):

<sup>10</sup> Ўша манба. – 179-б.



**1. Tuzatish va rivojlanish birligi.** Unga ko‘ra pedagogik tuzatishning zarurligi haqidagi qaror faqat talaba shaxsi rivojlanishining ichki va tashqi sharoitlarini psixologik-pedagogik tahlil qilish asosida qabul qilinadi.

**2. Talaba shaxsini rivojlantirishdagi yosh birligi.** Bu o‘quvchiga uning yoshi rivojlanishi nuqtai nazaridan individual yondashuvni bildiradi.

**3. Talaba shaxsini rivojlantirishni tashxislash va tuzatish birligi.** Tuzatish ishlari mavjud muammolarni faqat talabaning keyingi “rivojlanish hududi”ni uning o‘ziga xosligi asosida kelib chiqadigan keyingi ehtimoliy rivojlanishini bashoratlashni yaxlit holda tashxislash hamda baholashdan iboratligini anglatadi. Pedagogik tuzatish va rivojlanish bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq. Zero, pedagogik tuzatishning natijasi talaba shaxsini rivojlantirishni anglatadi.

**4. Pedagogik tuzatishni izchil amalga oshirish tamoyili.** Talabaning faolligi uni rivojlantirishda asosiy harakatlantiruvchi kuchdir. SHu sababli o‘qituvchi, psixolog hamda ota-onalar o‘zaro hamkorlikda talabani ma’lum faoliyat turlariga jalb qilish, unda faollik ko‘rsatishini ta’minlash orqali psixologik-pedagogik tuzatishni tashkil etishi zarur. Ushbu tamoyil maqsadga erishishning samarali yo‘l, metod, vositalarini tanlash muhimligini ko‘rsatadi.

**5. Talabaning individual xususiyatini inobatga olish tamoyili.** Bu tamoyil har bir talabaning ichki imkoniyatlarini aniqlash asosida pedagogik tuzatish ishlarini rejalashtirish, amalga oshirish lozimligini belgilab beradi. Tamoyilning mohiyatiga ko‘ra talabalar bilan psixologik-pedagogik tuzatish olib boriladigan talabalarga “ikkinchi toifali talabalar” singari munosabatda bo‘lmaslik kerak. SHundagina ularda kuzatilayotgan “ta’limiy og‘ish”ni bartaraf qilish mumkin.

**6. “Yuqoridan pastgacha” tuzatish tamoyili (L.S.Vigotskiy).** O‘qituvchi va psixologning diqqati talabaning “ertangi rivojlanishi”ga qaratilishi lozim. Shunga ko‘ra, bordi-yu, pedagogik tuzatishning maqsadi “pastdan” boshlangan, ya’ni, quyi ko‘rsatkichlarga tayanilgan bo‘lsa, u holda uning mazmunini talabalarining “keyingi rivojlanish hududi”ni shakllantirish tashkil qiladi. Talaba tomonidan erishilgan

natijalarni o'rganish va baholash uning keyingi rivojlanish hududini "yuqoridan pastgacha" tamoyili bo'yicha tuzatish maqsadga muvofiqligini ifodalaydi<sup>11</sup>.

**Xulosa.** Korreksion faoliyat quyidagi yo'nalishlarda amalga oshiriladi:

talabani ijtimoiy muhitga moslashtirish (ayniqsa, yolg'iz ona yoki mukammal bo'lgan oila sharoitida tarbiyalanganlarni, chunki ularning aksariyati odamovi bo'lib, ijtimoiy muloqotga kirishga qiynaladi);

talabani ta'lim jarayoniga moslashtirish;

talabada ijtimoiy faollikni rivojlantirish;

o'zlashtira olmaslik sabablarini aniqlash va ularni bartaraf qilish;

talabada fikrlash qobiliyatini rivojlantirish;

talabaning nutqidagi nuqsonlarni bartaraf qilish, nutq boyligini oshirish;

talabaning xulqidagi kamchiliklar (tajovuzkorlik, yuqori darajadagi ta'sirchanlik, tushkunlikka beriluvchanlik, hissiyotni sust namoyish qilish, salbiy odatlar – tamaki mahsulotlarini chekish, giyohvand moddalar yoki spirtli ichimliklarni iste'mol qilish, jinoyatga moyillik kabilar)ni tuzatish;

talaba mansub bo'lgan oiladagi nosog'lom muhitni bartaraf qilish va oiladagi

ijtimoiylashuv jarayonini shakllantirishga yo'naltirilgan chora tadbirlar ishlab chiqish va talaba shaxsiga nisbatan yordam ko'rsatish choralarini belgilash.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ismoilova Z.Q. Talabalarining kasbiy pedagogik malakalarini shakllantirish Dis...p.f.n.prof Toshkent 2000.-133 b.
2. Дудина М.М., Хаматнуров Ф.Т. Основы психолого-педагогической диагностики / Учеб.пособие. - Екатеринбург: Изд-во Рос.гос.проф.пед. университет, 2016. – 190 с.
3. Ингенкамп, Карлхайнц. Педагогический диагноз / Пер. мокрый М.: Pedagogika, 2001. – S. 16-17.
4. Pedagogik diagnostika / Ma'ruza matnlari. Tuzuvchi: X.Rahmatova. – Namangan: Namangan DU, 2014. – 100 b.
5. Овсянникова С.К. Педагогическая диагностика и коррекция в образовательном процессе / Учебно-метод.пособие. – Нижневартовск: Изд.во Нижневарт.хуманит.унив.та, 2011. – 243 с.
6. Yo'ldoshev J.G', Shirinov M.K., Ochilov F.I. Pedagogik diagnostika / O'quv-metod.qo'll. – 2014. – 96 b.
7. <http://www.lex.uz> (ЎзР қонун ва ҳужжатлари )
8. <http://www.ziyonet.edu.uz> (Билим портали)

<sup>11</sup> Колесникова Г.И. Основы психокоррекции – Ростов на-Дону: Феникс, 2005. – С. 324.

## РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

*Д.И.Муқумова*

*“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети доценти*

*Темирова Зохида Илхомжон қизи*

*университет илмий изланувчиси*

*Ризаева Шахноза Ашууровна*

*университет мустақил тадқиқотчиси*

### **Калит сўзлар:**

Психология сўзининг луғавий маъноси грекча “псюхе “жон, рух, “логос” – фан, таълимот деган маънони англатади.

Педагогика (юнонча. paidagogike) — тарбия, [таълим](#) ҳамда [маълумот](#) беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фан.

Метод (юнонча metodos — билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот) воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўлйўриқлар, усуллар мажмуаси, фалсафий билимларни яратиш ва асослаш усули.

Технология (юнон. “techne” – маҳорат, санъат, “logos” – тушунча, таълимот) – муайян (ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва б.) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши

**Аннотация.** Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда педагогик омиллардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатиб бериш, педагог ходим ва кадрларнинг ижтимоий-психологик турларга ажратиш. Кадрларнинг таълим жараёнини шакиллантириш ва замановий педагогик технологияларининг методик таъминотини назарий модели ҳамда педагогик шарт-шароитларни яратиш асосида ўтказилган илмий тадқиқот натижаларини тақдим этиш.

**Аннотация.** Продемонстрировать эффективность использования педагогических факторов при подготовке конкурентоспособных кадров, разделить педагогические кадры и персонал на социально-психологические типы. Представлены результаты научных исследований, проводимых на основе формирования процесса подготовки кадров и теоретической модели методического обеспечения современных педагогических технологий, а также создания педагогических условий.

**Abstract.** To demonstrate the effectiveness of using pedagogical factors in the training of competitive personnel, to divide pedagogical staff and personnel into socio-psychological types. Presenting the results of scientific research conducted on the basis of the formation of the training process of personnel and the theoretical model of the methodological support of modern pedagogical technologies, as well as the creation of pedagogical conditions.

**Кириш: Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги вақтда турли хил оммавий тадбирлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги ва бўш вақтини ўтказишининг кенг ёйилган шаклларида бири ҳисобланади, ҳамда шахснинг сиёсий ҳаёти, спорт, маданият, санъат ютуқларидан бевосита баҳраманд бўлиш эҳтиёжини қондиради. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари куп жихатдан уларнинг давлат органлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар, шунингдек турли хил касаба уюшмалари, спорт, маданият, диний ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган турли хил оммавий тадбирларда фаол иштирок этишлари билан боғлиқлиги ханузгача ўз ечимини топмаганлиги **мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.**

**Мақсади.** Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда педагогик омиллардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатиб бериш, Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда педагогик омилларнинг методик асосларини ишлаб чиқиш.

Шу ўринда, аввало оммавий тадбирларнинг турлари ва уларни ўтказиш тартибига тўхталишдан аввал, унинг луғавий маъносига алоҳида эътибор қаратсак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «оммавий» сўзининг моҳиятига «оммага, кўпчиликка оид; кўпчилик томонидан ёки омма орасида бажариладиган оммавий иш, оммавий ҳаракатлар», деб изоҳ берилган.

Жамиятда кишиларнинг турли хатти-ҳаракатлари оммавий тарзда амалга оширилади. Қадимдан инсон яшаш учун курашиб келган. Бу жараёнда инсон хоши-иродасининг турли шакллари намоён бўлган, яъни инсонда оммавий ҳаракатларга мойиллик юзага келган.

Уларнинг бир қанча ижтимоий-психологик турлари мавжуд ва миш-миш гаплар, оломон, намоёишлар ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Шахс узининг ижтимоий фаолиятида турли-туман воқеа-ҳодисаларга дуч келади, айниқса муомала жараёнида ўзи хоҳлаган ва хоҳламаган одамлар билан учрашади ва суҳбатлашади. Улар ўз дунёқарашига қараб, рухий жихатдан муайян мақсадга кўра жамоаларни вужудга келтиради.

Бундай жамоаларнинг хатти-ҳаракатлари ўрнатилган қонун ва ахлоқ қоидаларига тўғри келмаса, жамиятга зид хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Жамоадан ташқари хатти-ҳаракат шахснинг қонун доирасидан четга чиқиши ва жамиятда ўрнатилган тартиб-қоида ҳамда қонунларни билиб-билмасдан бузиши, жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни содир этишидир.

Шу сабабли жамоадан ташқаридаги ҳар қандай хатти-ҳаракат, яъни оммавий ижтимоий тартиббузарлик ижтимоий кўрқув, ваҳима остидаги деликвент хулқ ўзгаришларини юзага келтиради. Деликвентлик - тартиб, тарбиянинг издан чиқиши, яъни тартибсизлик, тарбиясизлик, конфромлилик (ташқи таъсирларга берилиш), маданиятсизлик каби психик камчиликларни намоён этади. Инсон хулқ-атворида конформлик даражасининг кучайиши оқибатида ноадекват (номуносиб) хатти-ҳаракатлар юзага келади ва ташқи таъсирларга берилувчанлик ҳолатлари кузатилади. Натижада шахс хатти-ҳаракатларининг маълум меъёрлардан чиқиши ва жамиятдаги мавжуд қонунчиликка мос келмайдиган кўриниши жамиятга зид хатти-ҳаракатлар деб аталади.

Кишиларнинг жамоадан ташқари салбий хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244, 277-моддалари асосида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар ҳуқуқий тартибга солинган.

Оммавий тадбирларнинг икки тури мавжуд.

*Рухсат этилган оммавий тадбирлар* - кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва бошқа дам олиш дастурлари, умумхалқ, диний, касбий байрамлар ҳамда митинг, йиғилиш, намоёйишни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиқ ва ёпиқ иншоотларда, майдонлар, бинолар ва бошқа жойларда тегишли орган ва идоралардан рухсат олган ҳолда ташкил этиладиган тадбирлар;

*Рухсат этилмаган оммавий тадбирлар* - тегишли давлат органлари ва идораларидан рухсат олмасдан ташкил қилинадиган митинг, йиғилиш, намоёйиш ва кўча юришлари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий тадбирларни ўтказиш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ифода этгани боис, жамоат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан рухсат этилган тақдирдагина амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Рухсат этилмаган оммавий тадбирларни ўтказиш ёки режалаштириш қонунчиликда назарда тутилган муайян жавобгарликни юзага келтиради. Оммавий тадбирларнинг энг муҳим ҳуқуқий шартлари уларнинг ўтказилишига давлат ҳокимият органларидан тегишли тартибда рухсатноманинг олинишидир. Шу боис юридик адабиётларда *рухсат этилган ва рухсат этилмаган* оммавий тадбирлар деб, таснифланган.

Худудий белгиларига сараб оммавий тадбирлар:

- туман-шаҳар миқёсида;
- вилоят миқёсида;
- республика миқёсида;
- халқаро миқёсдаги турларга бўлинади.

Оммавий тадбирларнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

*Митинг* - фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги воқеаҳо дисаларга, шахслар эки ташкилотларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га нисбатан ўз муносабатларини ифода этиш ва оммавий равишда муҳокама қилиш мақсадидаги оммавий йиғини;

*куча ҳаракатлари* - кўчанинг қатнов ёки пиёдалар йўлаклариди, чорраҳаларида қандайдир масалаларга диққатни жалб қилиш мақсадида одамлар томонидан ташкил этиладиган оммавий ҳаракат;

*намоёйиш* - ҳаракат жараенида плакатлар, эълонлар ва бошқа кўргазмалар воситалардан фойдаланган ҳолда жамият сиёсий кайфиятининг одамлар гуруҳи томонидан оммавий намоёйиш этилиши;

*йиғилиш* - фуқаролар гуруҳи томонидан ўзларининг кайфиятлари, муносабатлари ва қарашларини маълум жой, худуд, биноларда бошловчи,

бошқарувчи томонидан уларга қарши томонга маълум қилиниши.

Юқорида қайд этилган тадбирлар ўтказилаётганда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг тинчлиги, осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини турли тажовузлардан химоя қилиш асосан ички ишлар органларининг зиммасидаги вазифалар хисобланади.

Оммавий тадбирларнинг мазмуни ва юналишига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- ижтимоий-сиесий;
- оммавий-маданий;
- спорт-томоша;
- диний маросимлар.

1. *Ижтимоий-сиесий тадбирларга* намоёишлар, митинглар, юришлар, сиесий партиялар ва жамоат ташкилотларининг курултойлари (сездлари), сайловлар, турли даражалардаги депутатлар, Республика Президентининг сайланиши кабилар киради.

2. *Оммавий тадбирларнинг* яна бир кенг тарқалган тури *маданий-оммавий тадбирлардир*. Уларга қуйидагилар киради: кўргазмалар, вернисажлар (кўргазмани очиш маросимлари), халқ сайиллари, театрлаштирилган томошалар, фестиваллар, ярмаркалар, концертлар ва хоказо.

3. *Спорт-томоша тадбирлари*, анъанага қура, республикамизда аҳоли оммавий дам олишининг кенг эйилган шаклларида бири хисобланади. Улар, миқёси ва муҳимлиги даражасига қура, халқаро, республика, вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги тадбирларга бўлинади. Одамларнинг оммавий тўпланиши ҳамда жамоат тартибининг ҳолатига кўрсатадиган таъсир даражаси буйича қўриқлаш учун энг қийини футбол, қураш, катта теннис каби спорт уйинларининг ўтказилишидир. Ушбу оммавий тадбирларнинг ўзига хос жиҳати, футбол матчларида муайян тоифадаги спорт ишқибозлари, турли спорт клубларига мансуб ашаддий муҳлисларнинг бўлишидир.

4. *Оммавий-диний тадбирлар*, жумладан республикамиздаги ҳар хил диний байрамлар, одатда, тегишли мачитларда диндорлар ва оддий кизиқувчилар кўплаб тўпланадиган шароитда ўтказилади. Ҳозирги вақтда давлат сиёсатининг динга муносабати ўзгаргани сабабли янги мачитлар қурилмоқда, эскилари тикланмоқда, диндорларга ибодат учун мақбул шароитлар яратилмоқда. Улар орасида фаолияти гайри ижтимоий хусусиятга эга бўлган ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган оқимлар бўлганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ушбу оқимларга кўпчиликка маълум бўлган «Ваххобийлар», «Ақромийлар», «Хизб ут-тахрир» кабилар киради. Улар уз сафларига эшларни тортадилар, одамларни йўлдан урадилар, баъзан эса ҳуқуқбузарлик ва жинойтлар содир этадилар.

Оммавий тадбир ўтказилаётган объект ва унинг атрофида турли хил фавқулотда вазиятларнинг келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида,

профилактика инспекторлари томонидан профилактик тадбирлар ўтказилаётганда қуйидаги психологик билимларга эга бўлишлари мақсадга мувофиқ:

- жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга жалб этилган профилактика инспекторлар тезкор вазиятни доимий равишда *кузатишлари* асосида шубҳа уйғотувчи ва тез экстаз (жазава, узини юкотиш даражасида завкланиш, хаяжонланиш) ҳолатига тушиб қолувчи шахсларни аниқлаш;

- жамоат тартибининг бузилишига олиб келувчи сабаб ва шароит ларни аниқлаш ва уни бартараф этиш буйича ўз вақтида оммавий тадбир иштирокчиларига психологик таъсир чораларини кўриш;

- шубҳа уйғотувчи ва экстаз ҳолатига тушиб қолувчи шахсларга психологик таъсир курсата олиш (ходимлар томонидан доимий назоратда эканлигини хис қилиб туриши);

- тезкор ходимлар томонидан оммавий тадбир иштирокчиларига психологик таъсир курсатиш мақсадида миш-миш гаплардан фойдаланиш;

- оммавий тадбир иштирокчилари орасидан шубҳа уйғотувчи шахсларни олиб чиқиб кетишда обрусизлантириш усулидан фойдаланиш.

Айтиш жоизки, оммавий тадбир ўтказилаётганда оммавий тартибсизлик вужудга келишининг олдини олишда ички ишлар органлари ходимлари томонидан психологик билимларга эга бўлиш, айниқса инсоннинг жамоадан ташқари хатти-харакатлари психологиясини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Инсоннинг жамоадан ташқари хатти-харакатлари доираси кенг бўлиб, биз мазкур мақолада асосан фақат *миш-миш гаплар* ва *оломон психологиясига* тўхталиб ўтамиз.

Турли жамоаларни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бўлмиш миш-миш гаплар ҳамда оломон доимо ҳуқуқшунослар, психологлар ва сотсиологлар диққат эътиборида бўлган. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ҳақида бир катор олимлар уз қарашларини баён этган. Масалан, француз психологи Ле Бон Гюставнинг фикрига қара, «инсоннинг маълум бир гуруҳ эки жамоа орасида ўзига бўлган ишончи, иродавий кучининг ортиши ва интеллектуал онгининг сусайишини қузатамиз. Аксарият ҳолларда оломондаги одамда уз хатти-харакатига нисбатан назоратнинг юқолганлигини қуриш мумкин»<sup>1</sup>.

Рус олими Ф. Н. Плевако инсонларнинг жамоадан ташқари хатти-харакатларини психологик жиҳатдан таҳлил этган ва умумий хулосага келган. Муаллифнинг фикрича, оломон - катта бир девор, ундаги одамлар эса ушбу девор элементларидир. Оломон орасида бўлиш, ундаги инстинкт белгиларидир. Инсоннинг жамоадан ташқари хатти-харакатлардаги зарур элементлардан бири унда лидернинг мавжудлигидир.

Шу нуқтаи назардан «инсоннинг жамоадан ташқари хатти-харакати» тушунчаси ижтимоий психология ва юридик психологияда муҳим аҳамиятга

эга булиб, инсон хулк-атворининг маълум маънода хукукий нормадан чиқиши, унда инпулсив (шартсиз рефлекс) хара- катнинг намоен булиши билан изохланади. Бундан ташқари, инсон рухиятида кучли кузталиш, хиссий мувозанатсизликнинг ортиши ва идрок этиш куламининг торайишини сезиш мумкин. Жамоадан ташқари хатти-харакатда асосий ролни, яъни доминантлик (устунлик)ни оломонга рахбарлик, ташкилотчилик килаётган юлбошчилар бажаради. Шунинг учун ҳам одамларнинг жамоадан ташқари хатти-харакатларига жиной-хукукий нуктаи назардан баҳо берилганда юлбош- чилар жамоанинг ташкилотчиси ва рахбари ҳисобланади. Улар асосан миш-мишларни тарқатишда ҳамда оломонни ҳаракатга кетиришда катта рол уйнайди. Ижтимоий психологияда шахснинг ижтимоий муносабатларга киришиши, турли ижтимоий қуринишлардаги хатти-харакатларининг ижтимоий психологик қонуниятлари урганилади. Чунки инсонларнинг бир-бирини идрок этиши муносабатлар механиз- минини яратади. Шу нуктаи назардан одамларнинг жамоадан ташқари даги хатти-харакатини тартибга солишда бевосита оломон психоло- гиясини урганиш, яъни инсон хулк-атворини хукукий жихатдан тартибга солиш ва меъерлаш мақсадга мувофиқдир.

Чунки ҳар бир жамиятда жамоатчилик фикри, кайфияти ва ички маънавий-рухий дунекараши асосида ижтимоий психологик қуринишлар, ходисалар, воқеалар намоен бўлиб, бу динамик ҳаракатга эга. Яъни оломондаги инсоннинг хатти-харакатларига ҳам биологик, ҳам ижтимоий омиллар доминантлик (устунлик) килади. Натижада инсонда ташқи ходисалар таъсирига берилиш ички иродавий бошқарув ва узини узи назорат қилишнинг сусайишини кузатиш мумкин.

Бу борада атоқли рус олими М .И. Эникеевнинг «аксарият жиной хатти-харакатларнинг замирида одамларнинг айрим ижтимоий қуринишларга бўлган дезадаптатсиялашуви (мослаша олмаслиги) сабаб бўлади»<sup>12</sup>, деган фикрларида қайсидир маънода ҳақиқат мавжуд.

**Хулоса.** Шу нуктаи назардан ички ишлар органлари ходимлари уз касбий фаолиятида асосий ижтимоий-психологик қуринишлар (миш-миш гаплар, оломон)га қарши қурашишда оломоннинг ижтимоий ва этно-психологик хусусиятларини ва географик шарт-шароитларини чуқур ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши муҳим урин тутати. Инсон ҳаёти давомида урф-одатлар, этник ва ижтимоий қадриятларга риоя этишга мажбур. Бу, уз навбатида, унинг жамоада ички муҳитни яратишида психологик механизм сифатида намоен булади. Аксарият ҳолларда инсонларнинг хатти-харакатларида хукукий нормалардан четга чиқишларда уларнинг айрим ижтимоий муносабатларга мослаша олмаслиги бош омиллардан бири саналади. Чунки ижтимоий мослашувчанликнинг юқлиги нафақат ички қадриятлар, юналишларнинг сустигида, балки ундаги ижобий ижтимоий стереотиплар ва қўникмаларнинг шаклланмаганлигида ва узига узи берган

<sup>12</sup>Эникеев М. И. Юридическая психология. - СПб., 2005. - С. 65.

бахонинг пастлигида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан оломон таркибига кирувчи одамларнинг аксариятида миш-миш гапларга психологик юкумлилик, конформизм (ташки таъсирларга тез берилувчанлик) ҳолатлари купрок кузатилади. Айтиш жоизки, жамиятда булаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бевосита инсонлар онгига ўз таъсирини ўтказди ва бу, қайсидир маънода, инсон хатти-ҳаракатларини маълум бир меъёрдан чиқишига сабаб бўлувчи бош омиллардан биридир. Чунки ҳар бир инсон маълум бир жамоада узининг ички дунёқараши, эҳтиёж ва мотивлари асосида қандайдир вазифани бажаради.

Асосий ижтимоий психологик курунишлар, яъни миш-миш гаплар ва оломон ички ишлар органлари ходимлари учун доимо оператив қизиқиш уйғотган ва ҳамма вақт миш-миш гаплар тарқатган ҳамда жамоат хавфсизлиги, тартибига хавф солувчи шахслар ҳисобга олинган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқадиган бўлсак, асосий ижтимоий-психологик кўрунишлардан бири бўлмиш миш-миш гаплар ва оломон психологиясини ўрганиш бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари фаолиятидаги муҳим муаммолардан бири саналади. Шу сабабли ушбу ижтимоий-психологик кўрунишларга батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Исмоилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дис..... п.ф.н.-Т.: 2000.-133 б.
2. Иноятов У.И. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш. Услубий қўлланма.-Т.: ЎМКХТТМ. 2001-43 б
3. Рашидов Х.Ф. Особенности развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. - Т.: «Фан» Академия Наук Республики Узбекистан, Ташкент, 2004. - 288 с.
4. <http://www.lex.uz> (ЎзР қонун ва ҳужжатлари )
5. <http://www.ziyounet.edu.uz> (Билим портали)

## TEACHING LISTENING EFFECTIVELY USING MODERN APPROACHES

*Madaminova Nilufar Madrasulovna*  
English teacher at  
Academic lyceum of TUAC  
+998-93-507-01-08

**Abstract.** The educating of tuning in the strategy of showing unknown dialects was given extraordinary significance, since the view of unknown dialect discourse by ear is a complicated cycle that requires greatest consideration from the understudy, and from the educator - predictable groundwork for the improvement of this kind of discourse movement. The methodology of teaching foreign languages faces the challenge of properly organizing and planning this process so that the level of formation of students' auditory skills meets the needs of modern society. This necessitates a methodically correct organization of the process of teaching listening.

**Key words:** recognition of phonemes, methodology of teaching, teaching listening, semantic processing of information, auditory analyzer

